Қишлоқ ҳақиқати

قیشلاق حقیقتی

1993 йил 13 февраль
ШАНБА
№ 19 (5.462).
НАРХИ: ОБУНАЧИГА 3 СЎМ, СОТУВДА 5 СЎМ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур, дейди халқимиз. Буни яхши билган Зафаробод районидаги Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалиги механизаторлари техника воситаларини кўкламга барвақт, сифатли шайлаб қўйдилар. Мавжуд 22 та сеялка, 40 культиватор, шунча чопиқ трактори, 323 та сихмола, 9 та чизил ишга тахт. Айни пайтда пахта териш машиналарини таъмирлаш тезкорлик билан олиб борилаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Хўжалик бош муҳандиси Намоз Ҳакимов ва қишлоқ хўжалиги машиналари муҳандиси Салимжон Рўзиев иш ҳусусида суҳбатлашмоқдалар. 2. Тайёргарлик чизиғига қўйилган тракторлар.

К. ЖУРАҚУЛОВ олган суратлар.



МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБЛАР

Муҳтарам Президент жаноблари, биз, Қўқон шаҳар «Исфара гузар» маҳалласи оқсоқоллари ва пешволари, маҳалла кенгаши асосида, Сизнинг ташаббусингиз ва саъй-ҳаракатингиз билан йил бошида ўтказилган Туркистон ҳудудидаги беш мустақил давлат раҳбарларининг дўстона учрашуви якунларини юқори баҳоладик. Мазкур учрашув нафақат беш жумҳурият халқлари, балки умумжаҳон аҳли томонидан олқиш ва мамнуният билан қабул қилинди. Шу пайтгача курраи замин тарозусининг вазни енгил ҳисобланиб келган паллада, яъни Ички Осиёда янги бир давлатлараро уюшма — Марказий Осиё ҳамдўстлигининг ташкил топиши жаҳон иқтисодий-сиёсий мувозанатида катта ўзгаришлар ясади. Мазкур уюшманинг номи ҳам одилона тарзда қўйилди: ҳеч бир халқ камситилмади.

Агар Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари ўз вақтида бирлашиб ёхуд иттифоқ бўлиб,халқларимизни тўғри йўл, муштарак мақсадлар, эзгу амалларга бошлаганларида, бошқа давлатлар асоратига тушмасдик, халқимиз катта тараққиёт йўлига чиқиб олган бўлур эдилар. Бундай эзгу ва шу билан бирга масъулиятли, савобли иш Сизга ва Сизнинг ташаббусингизга қўшилган Марказий Осиё давлатлари бошлиқларига насиб этган экан.

Мазкур уч хонлик ўрнида ташкил топган энг нуфузли давлат — Ўзбекистонни бир юз эллик йиллик мустамлака кишанларидан халос қилиш, мустақилликка олиб чиқиш ва мустақил Ўзбекистон жумҳуриятининг биринчи Президенти бўлиш шарафи ва масъулияти ҳам Аллоҳнинг иноятн билан Сизга насиб этган экан.

Ўтмишда, Шарқ мамлакатларида, давлатни бирлаштириш, мустаҳкамлаш борасида буюк хизматлар кўрсатган давлат бошлиқларига «Муизуддавла» («давлатни бирлаштирувчи, мустаҳкамловчи) деган юксак ва олий унвон берилар экан. Шаҳримизнинг тарихни чуқур билувчи алломалари ва оқсоқоллари Сизни ҳақли равишда шундай олий унвонга муносиб кўрмоқдалар.

Жонажон юртимиз — мустақил Ўзбекистоннинг деярли икки йил ичида эришган ютуқлари ҳар қанча табрикка, ҳар қанча севинча арзийдур. Қисқа давр ичида давлатимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди, кўплаб давлатлар билан дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилди, қатор нуфузли халқаро уюшмаларга аъзо бўлинди, миллий ва диний қадриятларимиз тикланмоқда. Муҳим ютуқларимиздан бири — миллий тотувликнинг барқарорлигидир. Зеро, Ўзбекистон, собиқ СССР жумҳуриятлари ичида миллий низолар ва бунинг оқибатида келиб чиқадиган хунрезлик ва биродаркушлик офатларидан ҳали бўлган бир нечтагина мамлакатдан биридир. Бу ютуқларга эришув йўлида Сизнинг фаолиятингиз, сарфлаган куч-қувватингиз, чеккан заҳматингиз салмоғи ҳаммамизга яхши маълумдир.

Бундан 500 йил муқаддам Алишер Навоий ҳазратларининг ташаббуси билан султон Ҳусайн Бойқаро туркий тилга Давлат тили мавқеини бериш ҳақида фармони олий бериб, мазкур тилни жаҳондаги нуфузли тиллар сафига киришига замин яратган эди. Кейинги юз эллик йил давомида, мустамлакачилик сиёсати оқибатида тилимизнинг нуфузи пасайиб, заифлашиб қолган эди. Мана, Аллоҳга шукрким, 500 йилдан сўнг тилимизнинг жонланиши, яна нуфузли тиллар қаторига кириши учун ҳуқуқий ҳужжат бўлган «Давлат тили ҳақида» фармони олий бериш ҳам сизга насиб этди.

Жумҳуриятни иқтисодий танглиқдан олиб чиқиш, мамлакатда осойишталикни сақлаш, халқни ижтимоий муҳофаза этишни таъминлаш борасидаги хизматларингиз ҳам тақсинга сазовор бўлмоқда.

Биз, маҳалла оқсоқоллари, ўз анжуманларимизда ушбу улкан ютуқларингизни муносиб баҳолаб ва табрик этиб, мазкур ютуқлар халқимизнинг, миллатимизнинг ҳам ютуқлари эканлигини таъкидлаймиз ҳамда Аллоҳнинг бизга ва Сизга берган раҳмати, неъмати деб биламиз.

Муҳтарам Президент жаноблари, ушбу мактубимизни «Исфара гузар» маҳалла аҳли анжуманининг Сизнинг тутган йўлингизни маъқуллаш ҳақидаги қарори деб тушунгайсиз.

Ҳурмат ва эҳтиром ила маҳалла аҳли номидан:

Жўрахон Ҳожи — Қўқон шаҳар ва атроф районлар уламолар ҳайъати раиси, 90 ёш. Абдулазиз Ҳожи — шаҳар ҳокими маслаҳатчиси, 95 ёш. Набижон Тўра — 90 ёш. Хайриллохон Абдуллохон ўғли — Зинбардор масжиди имом хатиблари. Усмон ота — 93 ёш. Нуруллохон Ҳожи Абдуллохон ўғли— маҳалла оқсоқоли. Аъзамжон ота — маҳалла эллиқбошиси, 70 ёш. Ҳасанхон ота — маҳалла эллиқбошиси, 85 ёш. Баҳодирхон ота — маҳалла эллиқбошиси, 65 ёш. Меликўзи ота — маҳалла эллиқбошиси, 60 ёш. Ҳотамжон ота — маҳалла эллиқбошиси, 55 ёш. Эъзиборхон Мирзажон қизи — маҳалла котибаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВга

Муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич!

Қутлуғ эллик беш ёшингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз. Халқимиз бахтига ҳамиша соғ-саломат бўлинг.

Биз, Ўзбекистон ёзувчилари сиз ўтказаётган чинакам мустақиллик, тинчлик ва бирдамлик сиёсатини ҳамиша қўллаб-қувватладик ва бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлайверамиз. Буюк боболаримизнинг ўлмас руҳи сизга ёр бўлсин.

Камоли эҳтиром ила

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котибияти номидан:

Одил Ёқубов, Шукрулло, Жамол Камол, Пиримқул Қодиров, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Омон Матжон, Гулчеҳра Нуруллаева, Ойдин Ҳожиева.

15 февралда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси жамоа хўжаликлари аъзоларининг қурултойи очилади

ЯНГИ БОСҚИЧДА

Мустақил республикамиз иқтисодиётида, шу жумладан деҳқончилик-саноат мажмуида жамоа хўжаликлари алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистонда етиштирилаётган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг ғоят катта қисми жамоа хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Бозор иқтисодиёти шароитида жамоа хўжаликлари ҳам кўпгина қийинчиликларни бошдан кечирмоқдалар. Замон мулкчилик муносабатларини такомиллаштиришни, меҳнатни ташкил этиш ва моддий рағбатлантиришнинг илғор усулларига ўтишни тақозо этмоқда. Кейинги пайтда «Ер тўғрисида», «Мулкчилик тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ва бошқа қонунлар қабул этилганлиги, 1992 йилнинг декабрь ойида «Жамоа хўжалигининг Намунавий устави» лойиҳаси эълон қилиниб, умумхалқ муҳокамасига қўйилганлиги бундан далолат беради.

15 февралда Тошкентда очиладиган Ўзбекистон Республикаси жамоа хўжаликлари аъзоларининг қурултойида жамоа хўжалигининг янги Намунавий устави атрофлича муҳокама қилинади, жамоа хўжаликлари республика Кенгаши сайланади, ушбу Кенгаш низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади. Шунингдек, ушбу анжуманда жамоа хўжаликларини замон талаб қилаётган янги босқичга олиб чиқиш билан боғлиқ бошқа масалалар муҳокама этилиб, қурултой қатнашчиларининг мурожаатини қабул қилиш режалаштирилган. Қуйида жамоа хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш, уларда мулкчилик муносабатларини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш, меҳнатни ташкил қилиш ва моддий рағбатлантириш билан боғлиқ масалалар тилга олинган мақола эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

ЭРТАНГИ КУН УМИДИ

Серқуёш диёримиз ҳудудида мустақиллик шамоли эса бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин ўтган қисқа фурсат ичида эркин меҳнат истиқлол мевалари барчанинг кўз ўнгида яққол намоён бўлди. Биз, жамоа хўжалиги аъзолари ҳам шундай неъматдан баҳраманд бўлаётганимиздан беҳад хурсандмиз. Республика колхозчиларининг ушбу қурултойи ана шундай шароитда ўтаяпти. Бу йиғин олдингиларидан фарқ қилади. Чунки уни ҳеч бир кўрсатмаларсиз, эмин эркин ўтказяпмиз. Мустақиллик барча қатори биз, колхозчиларнинг зиммасига ҳам катта масъулият юклаяпти. Меҳнат ютуқларимиз истиқболимизни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Эндиликда ҳар бир ишловчи пешона тери нимага сарфланаётганлигини кўриб, билиб турибди. Онгли меҳнат эса муваффақият гаровидир.

Колхозчилар қурултойида мустақиллик, бозор иқтисодиёти заруратга айлантирган долзарб масалалар муҳокама қилиниб, келгусида ҳаракат дастури вазифасини ўтовчи муҳим ҳужжатлар кўриб чиқилади. Жамоа хўжалигининг Намунавий устави ва республика Жамоа хўжаликлари кенгашининг намунавий низоми лойиҳалари шундай ҳужжатлардир. Биз районимизда бўлиб ўтган анжуманда уни пишиқ пухта ўргандик. Улар жамоа хўжалигининг қонуний ҳуқуқ, вазифа ва бурчларини ўзида яққол ифода этгаи. Ушбу ҳужжатлар хўжаликларда ҳам кенг муҳокама қилинди. Уларга бағишлаб йиғилишлар ўтказилди. Оддий колхозчилар, мутахассислар, меҳнат фахрийлари кўпгина қимматли таклифлар, қўшимчалар билдирдилар. Бу фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб тегишли комиссияларга юбордик.

Энди жамоа хўжаликларининг аҳволи тўғрисида тўхталмоқчиман. Ҳамма соҳада бўлгани сингари улар ҳам бозор муносабатларига ўтишаяпти. Бу осон кечаётгани йўқ. Нарх-наво кун сайин ўзгариб, кўтарилиб бораётгани иқтисодий барқарорликка ҳалал бермоқда. Шундай шароитда хўжаликларни бошқариш, иш юритишда катта эркинликлар берилганлиги қўл келаяпти, Айниқса республика раҳбарияти кейинги йилларда етиштирилаётган пахта, сабзавот, полиз, картошка, ғалла, пилла ва бошқа маҳсулотларнинг давлат буюртмасида белгиланган бир қисмини ва қўшимчасини тўлиқ ўз хоҳишимизга кўра сотиш ёки айирбошлаш ҳуқуқини берганлиги барчани қувонтирди. Негаки нарх ошиб, харажатлар кўпайиб кетаётган бир пайтда бу нарса иқтисодиётни мустаҳкамлашга имкон бераяпти.

Шунингдек жамоа хўжалигини бошқаришда колхозчиларнинг иштироки кенгайди. Эндиликда вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаларининг назорат-тафтиш бўлими ходимлари жамоа хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишларига чек қўйилди. Бу вазифани хўжаликларнинг ўзидаги тафтиш комиссиялари бажарадилар. Қурултойда кўриладиган Намунавий устав лойиҳасида булар аниқ-равшан кўрсатилган.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётганлиги муносабати билан минерал ўғит, техника воситалари, ёнилғи, электр энергияси ва бошқаларнинг нархлари кескин ошиб бораяпти. Завод ва фабрикаларда ишлаб чиқарилаётган буюмлар, маҳсулотлар ҳам дастлаб сарф-харажатлар, ҳисоб-китоб қилиниб, сўнгра қимматнга сотилмоқда. Биз уларнинг баҳоси кўтарилганлигини харид қилаётганда биламиз. Хўжаликлар етиштираётган маҳсулотларнинг баҳоси чеклаб қўйилган. Уларга ўз харажатларимизни — ишловчиларнинг ойлигини, моддий ва меҳнат сарфини ҳисоблаб баҳо қўя олмаймиз. Илтимосимиз шуки, завод-фабрикаларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот-у буюмлар нархи Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда белгилансин.

Шу ўринда қуйидаги мулоҳазаларни айтмоқчиман. Хўжалигимизда 13 та электр сув насослари мавжуд. Бир киловатт энергияга 2 сўм 6 тийин тўлаймиз. Битта сув насосига бир кеча-кундузда 12 минг сўм, 13 та сув насосига эса 156 минг сўм сарфланади. Шу тариқа электр энергияси учун сув насосларини ишлатганимиз эвазига ойига 4 миллион 680 минг сўм кетаяпти. Экинларни парваришлаш даврида харажат янада ортади. Бу барчани ўйлантириб қўйди. Хўш, муаммони ҳал этиш йўли борми? Колхозчиларнинг ушбу қурултойидан умидимиз катта. Улар рўёбга чиқса хўжалик юритиш янги босқичга кўтарилади.

А. АБДУАЛИМОВ,
Пахтачи районидаги Қурбон Ражабов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.



АЛОҲИДА КИТОБ ҲОЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

«Ўзбекистон» нашриёти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган китобини оммавий нусхада чоп эди. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг 1992 йил 8—10 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида қилган нутқлари жой олган.

Мазкур сессия мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини қабул қилганлиги билан она Ватанимиз тарихида қолади. Муаллиф Асосий қонунимиз яратилиши йўлидаги курашлар ҳақида хулосаларини баён этган, истиқлолга эришган юртимизнинг келажагини қуриш борасида вазифаларни белгилаб берган.

«Халқимиз тинчлик ва фаровонлик ғояларини маслак ва мақсад этиб яшамоқда, — дейилади китобда.

— Биз унинг иродасини бажариш учун бутун борлиғимизни бахш этсак арзийди. «Ана шундай руҳ билан суғорилган «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» китоби умумхалқ томонидан зўр қизиқиш билан ўрганилаётган, меҳнат жамоаларининг улуғвор режаларини белгилашда ҳал қилувчи омил бахш этаётган бир пайтда оммавий нусхада босиб чиқарилиши айни муддао бўлди.

У СИЗНИНГ ҲАМ ГАЗЕТАНГИЗ...

«КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА»НИНГ БОШ МУҲАРРИРИ В. А. ФРОНИН БИЛАН СУҲБАТ

— Владислав Александрович, одатда ўзбек халқида меҳмон келса олдига чой қўйилади, нон қўйилади, лекин «хўш, хизмат», деб сўралмайди. Шундай бўлса-да, сафардан мақсад нима деб сўрашга ижозат бергайсиз.

— Аввало, Ўзбекистон мустақил бўлгандан бери, бу ёқларга келолмагандим. Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деб... Қолаверса, тан олиш керак, кейинги пайтларда газетамиз Ўзбекистонда маълум даражада ўз мавқеини тушириб қўйди. Айрим мақолаларимиз жамоатчиликда норози кайфиятлар уйғотганидан хабаримиз бор...

— Яхши гап очиб қолдингиз, мавриди келса шу ҳақда ўзим сўз очмоқчи эдим.

— Ҳа, шу масалада ҳам фикрлашиб олиш, керак бўлса ўз йўналишимизни ўзгартирганимиз ҳақида ҳам тегишли кишилар билан гаплашиб олиш эди. Энг муҳими, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан учрашиш эди. Сизларда билмадим-у, бизда Президентингизга қизиқиш ўта кучли. Уни ўзига хос, мустақил ва жасур, ўз позициясидан чекинмайдиган қаттиққўл раҳбар деб таърифлашади. Яна юқорида айтганимдай, минг марта эшитгандан деб...

— Хабардорман, Президент билан суҳбатлашишга муяссар бўлдингиз. Сир бўлмаса нима ҳақда гаплашдинглар-у, у сизда қандай таассурот қолдирди?

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

О. МАТЧОНОВ (ОМОН МАТЖОН)НИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда республика ҳаётидаги ҳалол ва серқирра ижтимоий фаолияти учун Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими, шоир Омонбой Матчонов (Омон Матжон)га **«Ўзбекистон халқ шоири»** фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 12 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

Р. Р. РАЖАБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Раҳим Ражабович Ражабов соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 12 февраль.

2. ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИГИ:

МУАММО ВА ЕЧИМ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазири Норбек ҚАЮМОВ билан мусоҳаба

— Республикамизда чорвачиликнинг ҳозирги аҳволи, 1992 йил натижалари хусусида гапириб берсангиз.

— Чорвачилик гоят нозик, серҳашаққат соҳа. Инл—ўн икки ой мол боқиб, эл дастурхонига гўшт, сут етказиб бераётган кишилар фаолиятини игна билан қудуқ қазиётган заҳматкашлар меҳнатига қиёслагим келади. Негаки, жониворлардан мўл маҳсулот олиш, этига эт қўшиш учун уларни зооветеринария қоидалари асосида парваришлаш, озуқа рационига алоҳида эътибор бериш даркор. Бир кун совуққонлик, эътиборсизлик қилинса бас, маҳсулдорлик пасайиб кетади. Кейин аҳволни ўнглаш учун камида ҳафталар зарур бўлади.

Очиқ эътироф этиш керак, чорвачиликнинг ҳозирги аҳволи қаноатланарли эмас. Айрим раҳбарлар, мутахассислар зарбдор тармоқни жадал ривожлантиришга ҳамон жиддий эътибор бермаётирлар. Мақсадга эришишнинг асосий омиллари — мустаҳкам озуқа базасини яратиш, моллар зотини яхшилаш, туёқ сонини кўпайтириш, фан ютуқлари, илғорлар тажрибасидан амалиётда кенг қўлланиш борасида расмиятчилика, ўзибўларчиликка йўл қўйилмоқда. Оқибатда олға томон силжиш бўлмаяпти, айрим районлар, хўжаликларда иш қатто орқага кетмоқда. Хўш, асосий касал нимада?

Аввало ўтган йилнинг ўзида республика бўйича қорамол бош сони қарийб 28 мингтага, чўчқа 88 мингтага, қўй 11 мингтага, парранда эса 10 миллион бошга камайтириб юборилди. Айниқса, Тошкент, Самарқанд, Фарғонада бу борада ташвишли ҳол юзага келди. Деярли барча вилоятларда 1992 йили бурноғи йилга нисбатан бир сигирдан сут соғиб олишда кескин камайишга йўл қўйилди. Шунинг ҳисобидан 72 минг тонна сут йўқотилди. Яна бир эски касал давом этяапти: сигирлар сони йилдан-йилга асоссиз равишда камаймоқда. Гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг мавжуд имкониятлари ишга солинмаётир. Қорамол, чўчқа, қўй ва эчкилардан кундалик қўшимча вазн олиш пастлигича қолмоқда. Шу туфайли моллари бўрдоқига боқиш муддати чўзилиб, чиқим устига чиқим бўляпти.

Эътибор қилинг, биргина Самарқанд вилояти хўжаликларида 1991 йили давлатга топширилган бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 394 килограммни ташкил этган бўлса, бултур бу кўрсаткич 363 килограммга тушиб қолди. Демак, шунинг ўзидан 834 тонна гўшт йўқотилди. Ҳеч бўлмаса 1991 йилги натижа ушлаб қолинганда эди, камида 2100 бош қорамол ёнимизга қолган бўларди. Кишини ўйлантирадиган томони шундаки, баъзи раҳбарлар, мутахассислар айбларини очиқ тан олиш ўрнига турли баҳоналарни рўкач қилишмоқда. Буни мутлақо оқлаб бўлмайди. Ҳамма гап масъулиятни чуқур ҳис этиб, ишонч, иштиёқ билан меҳнат қилишда қолган. Бунинг исботи: Вазирлар Маҳкамасининг топширғига биноан фермаларга мутахассислар, тажрибакорларнинг катта гуруҳи юборилди. Улар муаммоларни ҳал этишда чорвадорларга амалий ёрдам ва мадад кўрсатдилар. Озуқа цехларидан унумли фойдаланиш, тежамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор берилди. Бу кутилган натижани берди. Агар 10 январь куни республика бўйича 2.104 тонна сут соғилган бўлса, 20 январда мазкур кўрсаткич қарийб беш фоизга кўпайди. Зарбдор тармоққа алоҳида эътибор бераётган, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланаётган Зафаробод районидаги Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалиги, Хатирчи районидаги «Навбаҳор», Янгиқўрғон районидаги Навоий номли, жамоа хўжаликлари, Кегайли районидаги «Халқобод» давлат хўжалигида чорва қишлови яхши ўтмоқда.

Раҳбарга кўп нарса боғлиқ. Унинг омилкорлиги, ишбилармонлиги қишлиқировли кунларда яққол намоён бўлади. Тўрақўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхози бошқаруви раиси Сотиболди Ғаффоров чорва жонкуярларидан. У бузоқхона, сигирхона, озуқани қайта ишлайдиган завод қурдирди. Ферма ходимларига ғамхўрликни кучайтирди. Озуқабоп экин майдонларини кенгайтирди. Шу боис мана неча йилдирки бу ерда ҳар говмишдан йилига ўрта ҳисобда 3600 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олинмоқда. Мутахассисларнинг таклифига кўра чорвачилик фермаси наслчиликка айлантирилиб, район хўжаликларига зотли ғунажинлар сотмоқда. Илғорлар тажрибасини оммалаштириш борасида ҳали кўп иш қилиниши керак.

— Озуқа муаммоси ҳозир ҳар қачонгидан долзарб бўлиб турибди. Муҳим ишда ўзибўларчилик, баъзи ерларда эса кўзбўямачилик ҳоллари содир этилаётганлиги ҳақида қандай фикрдасиз?

— Чорвачиликни ривожлантиришнинг бош омили озуқа, озуқа ва яна озуқадир. Бусиз кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Афсуски, бу соҳада ҳам сўздан амалий ишга ўтиш қийин кечмоқда. Туб сабаблари ҳақида батафсил тўхталиш олдидан яна рақамларга эътиборни қаратайлик. Ўтган йили республика бўйича белгиланганда 42 минг гектарга кам озуқа экинлари экилди. Бедазорлар бир йилда 14 минг гектарга камайди. Натижа ҳам шунга яраша: дағал хашак жами режадагидан 339 минг тонна, беда пичани эса 711 минг тонна кам бўлди.

Гап шундаки, баъзи хўжалик раҳбарлари «Озуқа экинларига фалон гектар ер ажратдик» дея кўкрак керишади. Кузатсангиз унуми паст, ҳатто ташландиқ жойлар ажратилган бўлади. Қанча меҳнат қилманг, бундай заминдан яхши ҳосил ололмайсиз. Эссиз меҳнат, сарф-харажат. Бозор бундай муносабатни, ўзибўларчиликни кечирмайди. Омилкор, узоқни кўра биладиган раҳбар 3 гектардан олинадиган емишни бир гектардан олади. Озуқа сифатига алоҳида эътибор беради. Шунда тармоққа сарфлаган бир сўми уч сўм бўлиб қайтади. Масалан, Юқори Чирчиқ районидаги «Қорасув» жамоа хўжалигида яхши тажриба қўлланилаяпти. Кузда бедазорларнинг кемтик, ола жойлари чизелланиб, рож ёки бошқа озуқа экинлари экилмоқда. Вақтида суви, ўғити бериляпти. Натижада ҳосилдорлик биринчи йилиёқ 40 фоизга ошди. Чорва маҳсулдорлиги кескин кўпайди.

Хўжаликларда бўлиб чорва қишловининг боришини синчиклаб назардан ўтказсангиз сўнгги йилларда озуқага муносабат сусайиб кетганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Боғот райони колхоз ва совхозларининг раҳбарлари маккажўхорини менсимай қўйишди. Такрорий экишга умид қилиб доғда қолишди. Пировард натижада жумладан, Искандар Дўсов номли жамоа хўжалиги шу кунларда 410 сигирга силосни четдан сотиб олаяпти. Сенаж ҳам тугаган. Кунига ҳар сигирдан базўр 4 килограммдан маҳсулот олинаётир, холос. Бу аҳволда қандай қилиб чорвачиликни сердаромад соҳага айлантириш мумкин?

Қизириқ районидаги «Гиламбоп» давлат хўжалиги дағал хашакни аллақачон сарфлаб бўлишди. 15 кун мобайнида молларга силос ва лавлаги берилмаган. Шу боис кунига ўтган йилга нисбатан 100—125 килограмм кам сут соғиб олинмоқда. Бундай камчиликларни Шеробод районидаги Бердиев номли, Денов районидаги «Ҳазарбоғ» давлат хўжаликлари, Навоий районидаги Ибн Сино номли, Шаҳрихон районидаги «Олтин водий» колхозларида ҳам учратиш мумкин. Ахир озуқа етиштиришга, умуман чорвачиликка панжа орасидан қараётган, ўзларининг масъулиятсизликлари билан тармоқни хароб этаётган, қанчадан-қанча маблағни ҳавога совураётган раҳбарлар, мутахассилар наҳотки виждонан қийналишмаса?- Зарар улар чўнтагидан ундириб олинганида балки бошқача ҳаракат қилишармиди. Ҳар ҳолда мутасадди раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини, масъулиятини ошириш учун қатъий чоралар кўриш керак. Зеро, Навоий, Сирдарё, Жиззах вилоятларида силос бостириш режаси 46—51 фоизга бажарилганлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Қашқадарё ҳамда Навоий вилоятлари хўжаликларида лавлагига паст назар билан қараладиганидан кейин сигирлар маҳсулдорлиги ошармиди. Биз уларга: ҳали ҳам кеч эмас, сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб, зарбдор тармоққа муносабатни тубдан ўзгартиринг, четга кўз тикмай ички имкониятлардан унумли фойдаланинг, деймиз.

Вазирлигимиз бўйича республикада чорвачиликни жадал ривожлантириш, унинг бош омили-озуқа базасини мустаҳкамлаш юзасдан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, озуқа экинлари майдонини ҳар йили 1068 минг гектардан кам режалаштирмаслик белгиланди. Муҳим ишни намунали йўлга қўйиш учун хўжаликларда емиш етиштириш мустақил тармоқ сифатида ажратилади, иш цех усулида ташкил этилади. Озуқа майдонлари ижарачиларга шартнома асосида берилади. Етиштирилган озуқалар келишилган харид нархлари асосида тарқатилади. Бозор шароити ҳисобга олиниб, озуқабоп экин майдонлари унумдорлигини ошириш, у ерда ишловчиларни моддий рағбатлантириш, иқтисодиётни юксалтириш мақсадида етиштирган дағал, кўк ҳамда ширали озуқаларни чорва фермаларига, шахсий томорқа хўжаликларига сули эквиваленти тўйимлилигига тенг бўлган нарх-наво асосида сотиш йўлга қўйиляпти. Озуқабоп экинлар юқори нав уруғларини етиштириш мақсадида республиканинг ҳар бир иқтисодий-табиий зоналарида уруғчилик хўжаликларини ташкил этиб, уларга 10,5—11 минг гектар ер ажратиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Жамоат чорвачилигининг омухта емга бўлган талаби ҳозир 3 миллион тоннани ташкил этади. Республика ем ишлаб чиқариш саноати йилига 2,2 миллион тонна омухта ем тайёрлаш қувватига эга. Қолган 800 минг тонна парранда ва қисман чўчқалар учун емни чет давлатлардан сотиб олиш иқтисодий самара беради. Пахта мойи ишлаб чиқариш заводларидан олинаётган шелуха ва кунжаралар айни пайтда тартибсиз бўлинмоқда, самарасиз ишлатилмоқда. Бу озуқаларни фақат қорамоллар ва қўйларни бўрдоқига боқишда фойдаланиш юқори самара беради. Фондлардан тўғри фойдаланиш масаласи Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ихтиёрига берилса айни муддао бўларди.

Сигирлар подасини тўлдиришга яроқсиз бўлган урғочи таналардан кўплаб бузоқ олиш тадбирлари амалга ошириляпти. Ваҳолонки, яқин вақтгача шундай тана ва ғунажинларнинг 40—50 мингтаси тўғридан тўғри гўштга топшириб келинган. Наслчилик хўжаликлари давлатнинг асосий эътиборида, ҳимоясида бўлиши зарур. Уларни ўз эгаси — республика наслчилик бирлашмасига топшириш ҳамда керакли фондлар билан таъминлаш масаласини узил-кесил ҳал этиш вақти аллақачон етган.

— Юқорида таъкидланган касалликларнинг илдизи чуқур, чамаси чорвачиликни ихтисослаштириш, концентрациялашга зўр берилган даврни ҳам ўз ичига олади.

— Фикрингизга қўшиламан. Ҳаёт ўтмишда зарбдор тармоқда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилганлигини тасдиқламоқда. Аввало катта маблағ сарфланиб 400, 600 ҳатто минг бош қорамолга мўлжаллаб қурилган йирик чорвачилик комплекслари бизнинг шароитимизга унчалик мос эмас. Битта сигир турадиган жой шу сигирдан қиммат. Бунинг устига қишда совуқ, зах, доимо елвизак уриб туради. Битта мол касалланганч дарҳол олди олинмаса оммавий касалланиш юзага келади. Бунинг оқибатида юзлаб сигирларни мажбурий гўштга тошириб, чорвасидан айрилдик, катта иқтисодий зарар кўрдик хўжаликлар оз эмас. Америка, Голландия мутахассислари чорвачиликни ривожлантиришнинг энг синалган йўли маҳаллий шароитга мослашган фермалар, фермер хўжаликлари эканлигини аллақачон исботлашган. Шу йўналишда жойларда хайрли ишларга қўл урилаётганлиги қувончли ҳол. Президентимиз ҳаётбахш Фармонларининг шарофати туфайли республикада фермер хўжаликлари жадал ривожланяпти. Айни пайтда Ўзбекистонда қарийб 12.600 фермер хўжалиги мавжуд. Улар бир йилда ўртача 40 минг тонна сут, 675 минг тоннадан ортиқ гўшт етказиб беришяпти. Фермон туфайли фермерларга 102 минг гектардан ортиқ ер берилди, 180 миллион сўм ссуда ажратилди. Оилавий фермаларда қарийб 100 минг қорамол, 53540 та қўй-эчки ҳамда кўплаб чўчқа, от парваришланяпти. Буларнинг ҳаммаси мўл-кўлчиликка хизмат қилмоқда.

Яна бир масала ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Бир вақтлар баъзи хўжалик раҳбарларида - тайёрга-айёрлик психологияси шаклланди. Улар ўзларини қийнамай четдан мол сотиб олишга зўр бердилар. Республикага йилига 45—50 минг бош қорамол келтирилган даврлар бўлди. Энди эса бозор шароити ўйлантириб қўйди. Агар 1991 йилда 23.882 та мол бошқа республикалардан сотиб олинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 18.445 тани ташкил этди. Давлат ҳисобига ҳотамтойлик қилаётганлар энди бу йўлдан воз кечишга мажбур бўлишмоқда. Ахир битта қорамол 50—60 минг сўмга тушаяпти-да. Мустақиллик шароитида четга кўз тикиш ярамайди. Энди бировга эмас, ўз кучимизга, имкониятимизга ишонишимиз даркор.

— Наслчилик ишларини ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлардан республика Қишлоқ хўжалиги вазири сифатида кўнглингиз тўлаяптими?

— Ўйлантираётган, ечимини кутаётган муаммолар кўп. Ҳозир Ўзбекистонимизда наслдор моллар замини 6 та наслчилик заводларида, 19 та наслчилик хўжалигида ҳамда юздан ортиқ махсус фермаларда асраляпти. Мазкур хўжаликлардаги ҳар сигирдан йилига республиканинг ўртача кўрсаткичидан 536 килограмм кўп маҳсулот олинган. Аммо кузатувлар наслдор моллар етиштиришга эътибор сустайириб юборилганлигини яна бир карра кўрсатди. Озуқа базасининг ночорлиги, чорвачилик технологиясига амал қилинмаслиги, мутахассисларнинг унумли ишлашлари учун қулай шароит яратилмаганлиги сабабли молларнинг маҳсулдорлик хусусиятларидан 60 фоиз фойдаланилмоқда. Наслчилик хўжаликлари бор йўғи 128 та. Боз устига улар наслдор моллар подасини тўлдиришни уддалай олмаяптилар. Юқорида таъкидланганидек, энди биров четдан келиб муаммоларимизни ҳал этиб бермайди. Ўз олимларимизга, мутахассисларимизга суянишимиз керак. Равшанки, етиштирилаётган наслдор молларнинг аждодлари бўйича махсус ҳужжатларни тайёрлаш учун ҳам билим, тажриба зарур. Бахтга қарши зоотехник-селекционерлар билан мавжуд хўжаликларнинг ярми ҳам таъминланмаган. Қатор колхоз ва совхозларда бу ўрин қисқартириб юборилибди. Фикримча, республикада селекция, уруғчилик, наслчилик ишларини муҳофаза қилишга оид қонунга тенглаша оладиган ҳужжат бўлиши керак. Ўз соҳасининг ҳақиқий жонкуярлари — тажрибали, изланувчан, ташаббускор зоотехник-селекционерлар меҳнати юксак қадрланиши, тажрибалари кенг оммалаштирилиши жоиз. Худди шу эътибор, ғамхўрлик унутиб қўйилганлиги сабабли мана неча йилдирки бирон янги ажойиб зотли қорамол етиштирган мутахассисни билмаймиз. Фермаларда бўлганимизда «Бу говмиш йилига 6.500 килограмм сут беради» ёки «Ушбу бузоқ рекордчи сигирнинг аждоди» деб ёзиб қўйилган белгиларни кўрмайсиз. Ахир, бир вақтлар «Чиноз» давлат наслчилик заводида йилига 8.515—8.780 килограмм сут берадиган, 550 килограмм вазнли «Лозинка-363», «Родезия-207» каби юқори маҳсулдор говмишлар бўларди-ку. Хўш, улар нега энди ҳозирда йўқ? Ҳа, ўзи бўларчилик, бир ёқлама иш юритиш қимматга тушди. Ҳатто барчага намуна сифатида тарғиб этилаётган «Чиноз» давлат хўжалигида ветеринария-санитария қоидалари қўпол равишда бузилди, ходимларнинг амалий ҳаракатига тўсқинлик қилинди. Оқибатда қарийб 400 қорамол бруцеллёз касалга дучор бўлди... Хўжалик наслчилик категориясидан деярли чиқди. Мен селекция-наслчилиқ ишларини тарғиб қилиш, уларни оммалаштириш, моллар кўргазмасини ташкил этиш, кимошди савдоларини ўтказиш, хўжаликлар ўртасида конкурслар жорий этиш каби тадбирларни кенг йўлга қўйиш керак, деган таклифларни қўллаб-қувватлайман.

— Гўшт етиштиришни кўпайтириш омиллари ҳақида турли фикрлар, мулоҳазалар мавжуд. Хусусан, хўжаликлараро молларни бўрдоқига боқиш корхоналарининг фаолияти ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ҳозирда республикада 84 та хўжаликлараро молларни бўрдоқига боқиш корхоналари мавжуд. Бундан ташқари «Ўзгўштсаноати» бирлашмасига қарашли ихтисослаштирилган қорамоллари бўрдоқига боқиш саноат асосидаги комплекслар ҳам фаолият юритмоқда. Ўтган йили хўжаликлараро бўрдоқичилик корхоналари 50.389 бош қорамолни гўштга топширди. Ҳар бир сўқимнинг тирик вазни 372 килограммни ташкил этди. «Ўзгўштсаноати» ихтисослашган хўжаликлари эса бу кўрсаткични 394 килограммга етказдилар. Энди хулоса чиқарайлик, агар республика хўжаликларида давлатга топширилган молларнинг ҳар бири жуда бўлмаса 394 килограмм атрофида бўлганда ҳам қўшимча 8.718 тонна гўшт етиштириларди, 21 минг бош қорамол иқтисод қилинарди. Колхозлар ва совхозларда бир кеча-кундузда молларнинг семириши 300—350 грамм бўляпти. Жониворлар вазнини мўлжалдагига етказиш учун уларни 3—3,5 йил боқишга тўғри келмоқда. Ихтисослаштирилган корхоналарда эса худди шу мақсад учун 14—16 ой кетаяпти. Хулоса тайин: гўшт етиштиришни ихтисослаштирилган хўжаликлар зиммасига юклаш ҳар томонлама фойдали.

Яна қўйидаги рақамлар мағзини чақайлик. Ўтган йили 120 мингга яқин урғочи тананинг қарийб 80 мингидан бузоқ олинди. Озуқа базасининг ночорлиги, селекция ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги оқибатида ҳар 4 сигирнинг биттаси қисир қолди. Шунинг ўзидан қанча сут йўқотилганлигини ҳисоблаб олаверинг.

Республика чорвачилигида чиндан ҳам оғир аҳвол юзага келган, ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп. Сафсатани йиғиштириб, зарбдор тармоқни оёққа қўйиш учун шошилинч чора-тадбирларни изчил амалга ошириш керак. Энди ҳам лоқайдлик, ўзибўларчилик, кўзбўямачилика йўл қўйилса бу соҳа жарлик томон оғиб кетади. Мустақил республиканинг ҳар бир мутасадди кишиси мўл-кўлчилик сарчашмаси — чорвачиликни равон йўлга олиб чиқиш ишига муносиб ҳисса қўшсин.

Суҳбатдош: Мирғиёс ҚАЮМОВ, «Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

● ТУКИНЧИЛИК ЗАРБДОР ТАРМОҚ МАСАЛАЛАРИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ҲАЛ ЭТИЛИШИГА БОҒЛИҚ.
● ЮҚОРИ МАҲСУЛДОР СИГИРЛАРИМИЗ ҚАНИ?
● ЎЗИМИЗНИ ЎЗИМИЗ АЛДАМАЙ ОЗУҚАГА МУНОСАБАТНИ ЎЗГАРТИРАЙЛИК.
● ЗООТЕХНИК —СЕЛЕКЦИОНЕР МУНОСИБ ҚАДРЛАНСИН, ТАЖРИБАЛАРИ ОММАЛАШТИРИЛСИН.

У СИЗНИНГ ҲАМ ГАЗЕТАНГИЗ...

(Боши биринчи бетда).

— Нима ҳақда суҳбатлашганимиз сир эмас-у, фақат бир оз сабр қилсак у тез кунда «Комсомольская правда»да чоп этилади. Шунда ўқирсизлар. Балки лозим топсанглар ўз газетангларда кўчириб боссангиз ҳам арзийди. Муҳими биз ўз позицияларимизни баён қилдик, ниятларимиз ҳам аслида бир экан. Ҳаммамизнинг дардимиз бир — халқларимиз тинч, омон, фаровон яшасин. Шу йўлда биргалашиб ишламоғимиз керак.

Газетамиздаги айрим камчиликлар хусусида ҳам гаплашдик. Биласизми, етмиш йиллик исканжадан халос бўлгач, мувозанатга келиб олгунча маълум вақт керак. Мана шу даврда баъзан нохолис фикрлар ҳам айтиб юборилди. Бу хусусда жамоамизда ҳам жиддий гаплашиб олдик.

Президентга келсак, у менда кучли таассурот қолдирди. Мен дунёдаги энг йирик газеталардан бирининг бош муҳаррири сифатида кўплаб Президентлар билан учрашганман. Уларнинг кўпчилиги менда бироз романтикроқ фикрловчи кишилар сифатида таассурот қолдиришган. Каримов эса том маънодаги реалист экан. Ҳаётнинг барча мураккабликлари, аччиқ-чучугини ҳис қилиб турган киши экан у. Қийинчиликларни яшириб ўтирмайди, уларни тан олишдан қўрқмайди. Айни пайтда у катта оптимист ҳам экан. Ўзининг ва давлатининг имкониятларига тўғри баҳо бера олади, мамлакатининг келажагини хаёлпарастларча эмас, балки иқтисодчи раҳбар сифатида аниқ-тиниқ чизиб бергани менда кучли таассурот қолдирди.

— Эшитишимча, яккамаякка гаплашибсизлар?

— Ҳа. Биринчи марта Президент билан яккамаякка суҳбатлашдим. Горбачев, Ельцин, Кравчук, Шушкевич, Назарбоев, Элчибейлар билан ҳам гаплашганман. Ё уларнинг матбуот котиблари, ё бизнинг ўша жойдаги мухбиримиз ҳамроҳ бўларди.

— Буни сиз қандай қабул қилдингиз?

— Каримов ўта мустақил шахсдир. Умуман биров билан суҳбатлашиш учун аввало кишида маълум ички тайёргарлик бўлиши керак. Ана шундайлар бемалол, ҳеч кимнинг кўмагисиз меҳмонни қабул қилаверадилар. Яна бир жиҳати раҳбарингиз эски, синовдан ўтган қолипларни хушламаслигидан ҳам бўлса керак.

— Учрашувнинг амалий тарзда ўтгани энди «Комсомольская правда» Ўзбекистонда ҳам чиқади, деб тахмин қилишга асос бўла оладими?

— Ҳа. Тез кунда газетамиз яна Ўзбекистоннинг ўқувчилари қўлига тегишидан мамнунман.

— Ҳозир у яна қаерларда чиқмаяпти?

— Ўзбекистондан ташқари барча республикаларда чиқади. Ҳатто Болтиқ бўйида ҳам 30 жойда мухбирлар постимиз ишлаб турибди, яқинда бу ерда ҳам очамиз.

— Ҳозирги пайтда журналистнинг ярим кучини олаётган обуна масаласида аҳвол қандай?

— Биласиз, бундан бир-икки йил олдин дунёдаги энг катта обуначи бизда эди. Ҳозир ҳам чакки эмас. Обуначиларимиз 2 миллион, шанба кунлари эса уларга яна 2 миллион ўқувчи қўшилади.

— Тушунмадим...

— Ҳозир. Маълумки, обуна ҳам фалон пул. Ҳамма ёзила олмайди. Шунинг учун имкони йўқлар фақат шанба сонларига ёзилишлари мумкин. Анча пул тежаладида. Шанба сонида аввало ўтган сонларнинг қисқача шарҳини берамиз. Кейин у олти саҳифадан иборат. Иложи борича қизиқарлироқ қиламиз. Шу ўринда айтиб ўтиб кетай. Ўзбекистонда ҳам йилнинг иккинчи ярми учун обуна очамиз. (Ҳозирча газетамиз фақат сотувда бўлади.) Мисол учун ярим йилга обуна баҳоси 600 сўм бўлса, шанба сони обунаси 120 сўм бўлади. (Бу ҳақда яна алоҳида маълумот берамиз.)

— Яна бир нарсани сўрамоқчи эдим. Қайта қуриш ва ошкоралик туфайли, кейинроқ эса Иттифоқ тўхатилиб, мустақиллик пайдо бўлгач, номини ўзгартирмаган мактаб, шаҳару, газета қолмади. Комсомол ҳам тарих мулкига айланди. Лекин «Комсомольская правда» қолди. Бу нимани далолати?

— Аввалам бор мен бирваракай ҳамма нарсадан воз кечиш тарафдори эмасман. Ном ўзгаргани билан моҳият ўзгариши рўй бермаяпти-ку. Мисол учун Ленинград Санкт-Петербург бўлди. Лекин шаҳарда нон учун ўша-ўша узундан-узун навбат. Газетага келсак, бир неча авлод кишилари уни ўқиб келишган. Одамлар унга ўрганган, кўнгил қўйган. Номни ўзгартириш, қайсидир маънода ўқувчини йўқотиш демакдир. Аксинча, биз шаклни эмас, мазмунни, сифатни ўзгартиришга интиламиз. Худди шундай, биз газетамизнинг орденларидан ҳам воз кечмаймиз. Шуниси аҳамиятлики, Ленин орденининг биринчи номерлиси «Комсомольская правда»га берилган. Тўғри, ҳозир бу билан мақтаниб бўлмайди, лекин у тарих бизнинг тарихимиз, халқ тарихи. Тарихдан эса воз кечиб бўлмайди. Ҳатто ном ўзгарганда ҳам...

— Энди икки оғиз молиявий аҳволингиздан тўғрисида. Чунки биз журналистлар бир-биримиз билан суҳбатганда аввал соғлиқдан эмас, газетанинг аҳволи қандай, яна қанчага чиқаяпсилар деб сўрайдиган бўлиб қолдик.

— Ҳа, бу муаммолар бизда ҳам бор. Лекин амалларимиз. Тижорат ишларини олиб боришда маълум имтиёзлар берилган. Қолаверса, бизда ҳукумат газеталарга жиддий эътибор беради. Чунки бозор иқтисоди шароитида ҳар қандай газета у қанчалик ўқимишли бўлмасин, ҳукумат мададисиз ўзини эплолмайди. Ўтган йили Президент Ельцин «Комсомольская правда»га 800 миллион сўм пул берган. Бу йил ҳам шундай ёрдам берилади. Ҳозир хомаки ҳисоб-китоблар бўляпти.

— Ҳозир газета кимники? Илгари комсомолники бўлиб, ёшлар газетаси саналарди.

— Тушундим. Аввало шуни айтай, газета Россия учунгина мўлжалланган эмас. У собиқ Иттифоқда яшовчи соф ниятли кишиларники, «Комсомольская правда» рус тилида чиқувчи миллатлараро мустақил газета. У фақат ёшлар учунгина мўлжалланмаган. У оилавий газета. Демак, у сизнинг ҳам газетангиздир, ўзбекистонлик дўстлар.

Аҳрор АҲМЕДОВ суҳбатлашди.

(«Туркистон», 1993 йил 9 февраль).

Оқолтин районидаги Усмон Носир номли давлат хўжалиги сут-товар фермасида қишлов намунали ва беталофат ўтаётир. Ферма жонкуярлари мўл-кўл озуқа жамғаришга эришганликлари муҳим аҳамият касб этаяпти. Озуқа цехида тайёрланган атала, омихта ем, сенаж, силос каби емишлар ўз вақтида бериб борилмоқда. Ортиқча сарф харажатга йўл қўйилмаётир.

СУРАТДА: тажрибали чорвадорлар Абдурасул Султонов, Каримқул Бердиёуродов, Йигитали Парпиевларни кўриб турибсиз.

Н. АЛМУРОДОВ олган суръат.

ОЛТИАРИҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

Туман таъмирлаш ва ишлаб чиқариш корхонасида ички имкониятлар ҳисобига янги маҳсулот — газ ёндиргичи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Сир эмас, қишлоқларда мазкур буюмларга талаб ниҳоятда катта. Улар савдо дўконларида кам учрайди.

Ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилаётган янги маҳсулотнинг дастлабки туркуми корхона ишчиларининг ўзларига арзон баҳода берилди. Газ ёндиргичларни туман хўжаликларига буюртма асосида сотиш кўзда тутилган.

●

Азимобод қишлоғи ёшлари ибратли ташаббус бошладилар. Қишлоқ мактабини битириб чиққан собиқ синфдошлар ўз жўрабошиларини сайлашди. Жўрабошилар зиммасидаги вазифа собиқ синфдошларининг учрашувлари ва бошқа маросимларни тартибли ўтказиш, қолаверса ўртадаги меҳр-оқибат, дўстликни мустаҳкамлашга бош-қош бўлишдан иборат. Улар собиқ синфдошларнинг фарзандлари ўртасидаги дўстлик ришталарини кучайтиришга ҳам эътибор берадилар.

Ибратли ташаббус тезда ўз самарасини кўрсатди. Тўйлар тартибли ўтиб, ортиқча харажатларга йўл қўйилмаяпти.

●

Туманда яна бир матлубот уюшмаси ташкил топди. «Дўстлик» номи берилган бу уюшма таркибига Янгиқўрғон ва Жўрак қишлоқларидаги савдо дўконлари киради. Янги матлубот уюшмаси ходимлари аҳолига намунали хизмат кўрсатиш учун имкониятларни ишга солмоқдалар. У тумандаги тўртинчи уюшмадир.

Муҳлис ЖЎРАБЕКОВ.

БОЗОР ВА ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Деҳқончилик-саноат мажмуини моддий-техникавий таъминлаш ва техник тузатиш давлат-кооператив қўмитаси қишлоқ хўжалигидаги ҳосил тақдирига бевосита боғлиқ муҳим соҳа ҳисобланади. Қўмита тармоқни янги техника, эҳтиёт қисмлар билан таъминайди, мавжуд техника таъмири билан шуғулланади. Мазкур тизим бу борада хизмат кўрсатадиган республикамиздаги ягона ташкилотдир. Нарх-наво ошиб бораётган, айниқса техниканинг баҳоси ниҳоятда кўтарилиб кетган, МДҲ ўртасида иқтисодий алоқаларнинг изга тушиши қийин бўлган бир пайтда бу борада аҳвол қандай? Давлат ва жамоа хўжаликлари, кооперативлар, фермерлар етарли даражада зарур техника ва механизмлар билан таъминланяптими? Иқтисодий тақчиллик қўмитанинг жойлардаги корхоналарига қандай таъсир ўтказмоқда?

Яқинда бўлиб ўтган йиғилишда Давлат-ширкат қўмитасининг ўтган йилги иш якунлари муҳокама қилинди. Жамоалар фаолиятига батафсил баҳо берилиб, жорий йилдаги вазифалар кўриб чиқилди. Қуйида чоп этилаётган мақоламизда шу хусусда сўз боради.

Мустақил республикамиз қишлоқ хўжалиги ниҳоятда мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Тармоқдаги техника, эҳтиёт қисмлар, уларга техникавий хизмат кўрсатиш, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг нархи ниҳоятда кўтарилиб, кетди. Илгари бу борада муаммо деярли йўқ эди, соҳада таъминот марказлашган усулда ташкил қилинганди. Собиқ Иттифоқ тарқалиб кетди. Ўрнига вужудга келган Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида иқтисодий алоқалар ҳозирча яхши самара бераётгани йўқ. Бунинг албатта бир неча сабаблари бор.

Аҳволнинг ўта қийинлигига қарамасдан Давлат-ширкат қўмитаси олдига қўйилган вазифаларни бажариб келмоқда. Буни ўтган хўжалик йили мисолида ҳам кўриш мумкин. Мавжуд техника сифатли таъмирдан чиқарилганлиги, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилганлиги сабабли йил ниҳоятда мураккаб келганига қарамай қишлоқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида давлат топшириқлари бажарилди.

Экин экилган далаларда эрта баҳордан то кеч кузгача, чорвачилик комплексларида йил давомида техника самарали ишлатилди. Мустақил юртимиз қишлоқ хўжалигида йилни барча соҳаларда намунали якунладик. Республика иқтисодиёти юксалди. Аҳолига маҳсулотлар етарли даражада етказиб берилди. Тўғри, бу борада муаммо ва қийинчиликлар ҳам бўлди. Масалан, йилнинг бошланишида баъзи қийинчиликларга дуч келинди. Кўплаб давлат ва жамоа хўжаликлари, айрим ташкилотлар баъзи сабаблар туфайли яхши техникани сотиб олишдан бош тортишди. Натижада таъминотчилар билан янгидан битим тузишга тўғри келди. Айни пайтда бу иш яхши йўлга қўйилган. Айниқса, Жиззах, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари бирлашмалари, Денов, Тўрақўрғон, Ўртаовул ва бошқа районлараро базалар таъминотчилар билан яхши алоқа боғлашган.

Натижада режадан ортиқча техника олиб келинди. Масалан, ҳайдов ва транспорт тракторлари олиш 125,4 фоизга бажарилган. Дон комбайнлари 3,6 марта, пахта териш машиналари 2,6 марта, хашак ўриш комбайнлари, 1,4 марта кўп келтирилди.

Собиқ Иттифоқ давридаги алоқаларнинг издан чиқиши баъзи машина ва эҳтиёт қисмларни республикамизнинг завод ва устахоналарида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш вазифасини қўйди. Ҳозир қўмита корхоналарида 40 дан ортиқ қишлоқ хўжалик машиналари, чорва комплекси жиҳозлари, махсус автотранспорт воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 1.446 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Вилоят бирлашмалари устахоналарида 1.068 миллион сўмлик иш бажарилди. Ёки 17 мингга яқин трактор, 1200 дан ортиқ дон ва хашак йиғиштириш комбайнлари, 60 минг двигатель, 22.526 трактор қисмлари, 726 комбайн қисмлари ва бошқа катта миқдордаги техника воситалари таъмирланди. 173,5 миллион сўмлик ишдан чиққан деталлар, 32,067 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тикланди. Иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан қўмитанинг қарийб 60 фоиз корхоналари 1991 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирди. Шунингдек, ўша йилга нисбатан дон ўриш комбайнлари таъмири ҳажмини 8 фоизга, комбайн қисмлари таъмирини 20 фоизга кўпайтириш имкони яратилди.

Давлат-ширкат қўмитасининг вилоят ва район бўлимлари эҳтиёт қисм, зарур жиҳозлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор бермоқда. Бунинг асосий сабаби иқтисодий мустақилликка эришиш. Шунингдек, уларнинг нархи ҳам ошиб кетди. Ўтган йили завод ва устахоналарда мингдан ортиқ номдаги эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Жорий йилда уларнинг турларини қарийб икки баравага ошириш режалаштирилди.

Давлат-ширкат қўмитаси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қишлоқ хўжалигига оид фармонларини бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Фармонларнинг бажарилиши учун зарур техника воситалари, бошқа керакли омиллар тайёрланмоқда. Масалан, Президентнинг «Деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш» ҳақидаги фармонини бажариш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Трактор ва техника воситалари, механизмлар, маҳсулотларни ташиш ва сақлашга мўлжалланган контейнерлар, аравалар, турли хил мосламалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган хусусий ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатиш учун қўмитанинг район устахоналари қошида 112 та хизмат кўрсатиш ва техникани қарзга бериш пунктлари ташкил этилган. Улар ерни ҳайдаш, экиш, экинга ишлов бериш ва маҳсулотни ташиш ишларини бажарадилар. Ҳозир район идоралари, таъмирлаш заводлари, савдо базалари қошида 107 та майда улгуржи-савдо магазинлари фаолият кўрсатмоқда.

Йиғилишда «Давлат-ширкат қўмитаси корхона ва ташкилотларининг 1992 йилги иш якунлари ҳамда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг агросаноат комплексини ривожлантириш борасидаги фармонларини бажариш бўйича тармоқ ходимларининг бу йилги вазифалари» ҳақида маъруза қилган қўмита раиси Расулмат Ҳусанов жамоа, давлат, деҳқон хўжаликлари, қайта ишлаш, шунингдек, республиканинг бошқа деҳқончилик саноати тармоқларига ишлаб чиқариш хизмати кўрсатиш, моддий-техника таъминоти борасидаги тадбирлар хусусида алоҳида тўхталди. Галдаги долзарб вазифалар, ечимини кутаётган муаммоларни кўрсатиб ўтди.

Таъкидланганидек, бозор олдимизга қатъий талаблар қўймоқда. Шу боис қўмита корхона ва ташкилотлари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, эл мушкулини осон этишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Мазкур соҳадаги йиллик режа 125,9 фоизга бажарилди. 1992 йил давомида 125,9 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, аҳолига 26,7 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Бу топшириққа нисбатан 171,1 фоизни ташкил этади.

Қўмита томонидан республика Президентининг Деҳқон (фермер) хўжаликларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда тадбиркорлик ҳаракатларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасидаги фармонини бажариш юзасидан ҳам аниқ тадбирлар амалга оширилди. Ишбилармонларга 90 та хизмат кўрсатиш ижара шохобчалари ташкил этилди. Қувончлиси шуки, Давлат қўмитаси Россия Федерацияси, АҚШ, Туркия, Англия билан тузилган ҳамкорликдаги қўшма корхоналарда аккумуляторлар, трактор, автомобиль радиаторлари, буғ ва сув иситиш қозонлари, тикув машиналари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқармоқда, ишдан чиқан деталларни тиклаш борасида илдам қадамлар қўйилмоқда. Ўтган йили белгиланган меъёрдан кўп транспорт, ҳайдов тракторлари ва комбайнлари, пахта териш машиналари, хашак йиғиштириш комбайнлари, қишлоқ хўжалиги машиналари етказиб берилди. Маърузачи назардан четда қолаётган имкониятлар, айрим камчиликларни ҳам эътироф этди. Янги иқтисодий шароит кўплаб раҳбарларни ғафлатда қолдирди. Баъзиларда эса саросималикни вужудга келтирди. Бунинг оқибатида ҳамма корхоналар ҳам тадбиркорлик кўрсатишга, иш, хизмат ҳажмини том маънода сақлаб қолишга эриша олмадилар. Жиззах, Сирдарё, Сурхондарёдан ташқари барча вилоятлар бурноғи йилга нисбатан тракторлар таъмирлови ҳажмини тушириб юбордилар. Андижон, Бухоро, Навоий, Хоразмдаги бирлашмаларда хашак йиғиштириш комбайнлари таъмирлови бутунлай тўхтатиб қўйилди.

Ўзаро ҳамкорликдаги корхоналар сони ортиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзида уларнинг 9 таси саноат маҳсулотлари ишлаб чиқараяпти. Бир йил мобайнида улар томонидан 4,5 минг радиатор чиқарилди, 950 насос, 170 юк ортгич таъмирланди, 5 миллион сўмлик технологик жиҳозларнинг тажриба нусхалари тайёрланди. «Радиатор» корхонаси яхши фаолият юритганлиги таъкидланди. Асосий вазифаси трактор ва комбайнларга радиаторлар ишлаб чиқариш. Маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг фермер хўжаликларини янада ривожлантириш хусусидаги фармонининг бажарилиши жуда кўп яхши ишларга туртки бўлди. Шунга қарамасдан ҳамма жойда ҳам иш кўнгилдагидек кетаяпти, деб бўлмайди. Масалан, Қашқадарё вилоятидаги 14 районда фаолият юритаётган қўмита корхоналаридан атиги 2 тасида, Тошкентдаги 15 тадан тўрттасидагина прокат-кира хизмат кўрсатиш пунктлари ишлаб турибди. Айримлари эса номигагина расмийлаштирилган.

Қўмитанинг пудрат ташкилотлари механизациялаш ва электрлаштириш бўйича қурилиш-монтаж ишларини 494 миллион сўмга бажардилар. Бу режа 172 фозга адо этилди, демак. Қувончлиси шуки, корхоналар ички имкониятларни қидириб топиб ишга солишмоқда. Галлаорол таъмирлов-ишлаб чиқариш корхонаси марказдан ажратилган 858 минг сўмга ўзининг 560 минг сўмлик ҳиссасини қўшиб, дон комбайнлари таъмирлов цехини муддатида ишга туширишга эришди. Ҳисобот даврида республика деҳқончилик саноатини моддий-техника билан таъминлашни такомиллаштиришда ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Истеъмолчи ва буюртмачиларга 13,8 миллиард сўмлик техника, эҳтиёт қисмлар, турли материаллар етказиб берилди. Маҳсулот «ҳаракати» 1991 йилга нисбатан қарийб 7 баравар кўпайди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Ҳакимович Жўрабеков қатнашди ва галдаги долзарб вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида маъруза қилди.

Ҳосил КАРИМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» махсус мухбири.

Сўх районидаги болалар оёқ кийимлари фабрикасида маҳсулот ишлаб чиқариш мунтазам кўпайиб бормоқда. Бу ерда асосан спортбоп туфлилар тайёрланаётир. Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатлилиги сабабли жуда ҳам харидоргир.

СУРАТДА: кекса пойабзалчи Акбарали Тожибоев ва назоратчи Каримберди Мавлонов тайёр маҳсулотлар сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Х. МЕЛИБОЕВ олган сурат.

ЧЎПОН ЭЪЗОЗДА

Яқинда Пайариқ районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида вилоят чорвадорларининг семинар-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кейинги йилларда районда гўшт, сут етиштириш кўпайганлиги қайд этиб ўтилди. Хўжаликларда қиш мавсуми учун етарлича озуқа жамғарилди. Айниқса, мазкур хўжаликда ишлар яхши йўлга қўйилган. Тармоқдаги аҳвол тўғрисида район ҳокимининг биринчи ўринбосари Э. Аҳадов маъруза қилди.

Районда синов даврини муваффақиятли ўтказаётган бир гуруҳ чорвадорларга совға ва фахрий ёрлиқлар топширилди. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги чўпони И. Толлибоев, «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги чўпони Ф. Қозоқбоев, «Халқобод» жамоа хўжалиги директори М. Қўшбоев ана шундай мукофотга сазовор бўлдилар.

ЕРҚЎРҒОН КЎРКИ

Ерқўрғон эрамизгача VI—V асрларда бунёд бўлиб, кўп даврлар ҳозирги Қашқадарё воҳасида гуллаб-яшнаган шаҳар бўлган. Эндиликда тепаликларданги-на иборат бу тарихий жой ўз бағрида ўтмиш аждодларимизга оид қанчадан-қанча сирларни яшириб келмоқда.

Археологик қазишлар натижасида бу ердан нафақат Ерқўрғон, балки инсоният тарихига оид ниҳоятда бебаҳо топилмалар олинди. Ҳали бу ерда жуда кўп археологик қазишлар олиб бориш керак. Не-не воқеалар гувоҳи бўлган воҳанинг бу қадимий маркази тарих ҳақида кўп гувоҳликлар беражак.

Яқинда қадимий Ерқўрғон бағри орадан минг-минг йиллар ўтиб, яна одамларга тўлди. Қосон туманидаги «Қарабайир» давлат хўжалиги раҳбари Тожи Султоновнинг ташаббуси билан қадимий бозор қайта ишга туширилди. Нарх-наво ниҳоятда кўтарилиб кетган ҳозирги даврда бундай хайрли ишга қўл уриш, ўша атрофда яшовчи ўнлаб қишлоқларнинг аҳолиси учун бозорни яқин қилишнинг аҳамияти каттадир. Бундан ташқари бозор Қарши-Бухоро катта автомобиль йўлининг ёқасида жойлашган. Бу ердан ҳар куни минг-минглаб транспорт воситалари, йўловчилар ўтади. Бозор ёнида соя-салқин жойда анҳор устида «Буюк ипак йўли» деб номланган ороғоҳ ҳам барпо этилди. Меҳмонхона, карвонсарой қурилди. Ороғоҳ ҳар куни бир пас тўхтаб, овқатланиб, чой ичиб ҳордиқ чиқармоқчи бўлган йўловчилар билан гавжум. Бозор эса ҳар пайшанба куни бўлмоқда.

И. УСМОНОВ.

Р А Ғ Б А Т

Наманганлик пахтакорлар 1992 йилда эришган муваффақиятларга кўп сонли опа-сингилларимизнинг ҳам муносиб улуш қўшгандилар. Анъанага айланиб қолган кўпмингкилограммчилар беллашуви ўттизинчи йилларда довруғ таратган. Тожихон Асқарова шарафига чинакамига авж олганди. Унда вилоятнинг ҳамма районларидан хотин-қизлар қатнашгандилар.

Яқинда вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Х. Абдураҳимовларнинг қўшма қарорларига мувофиқ 33 нафар кўпмингкилограммчи қолиб деб топилди ва улар муносиб тақдирланишди. Задарё районидаги «Гигант», Косонсой районидаги «Янги ҳаёт», Наманган районидаги Қ. Солиев номли, Норин районидаги «Бўстон», Поп районидаги А. Худойберганов номли жамоа хўжаликларидан Ўлжаной Муҳиддинова, Зулфия Икромова, Муҳаррам Абдувалиева, Саноабар Умрзоқова, Донохон Эгамназарова каби 11 теримчи биринчи даражали диплом, 1200 сўмдан, яна 11 теримчи эса II даражали диплом ва 1000 сўмдан, қолган 11 нафар кўпмингкилограммчи эса 800 сўмдан пул ва III даражали диплом билан тақдирландилар.

Мукофотланганларни машҳур теримчи, Наманган районидаги «Ижодкор» деҳқончилик фирмаси меҳнат фахрийси Тожихон Асқарова, вилоят ҳокими ўринбосари Абдурашид Убайдуллаев, касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси ўринбосари А. Ғаниевлар самимий табриклашди.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ЖАМҒАРМАНИНГ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ

Абдулла Қодирий вақфи (жамғармаси) ташкил этилганига ҳийла вақт бўлди. Шу кунга қадар у қатор хайрли ишларни амалга оширди. Жумладан, унинг Андижон вилояти бўлими ташкил этилди. Вақф раиси муовини ёзувчи Тоҳир Малик, шоирлар Шукур Қурбон, Умида Абдуазимова, вақф директори Шерқон Қодирийлар таъсис мажлисида иштирок этдилар. Бўлим раиси этиб, Козим Турдиалиев сайланди. Директор вазифасига Ҳайитали Холмирзаев тайинланди.

Меҳмонлар Андижон дорилфунуни ва педагогика билим юрти талабалари ҳузурида бўлиб, вақфнинг мақсад ҳамда вазифалари ҳақида суҳбатлар уюштирдилар. Шунингдек, ижодкорлар Олтинкўл тумани меҳнаткашлари ҳамда Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида Қодирийхонлик кечасини ташкил этдилар. Бирлашма бош директори муовини Карим Тожибоев бошқарган йиғин қатнашчилари бир кунлик иш ҳақларини республика Абдулла Қодирий вақфи (жамғармаси) ҳисобига ўтказиш ҳақида фикр билдирдилар.

О. НОДИРОВ.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг тарғибот-тижорат хизмати

Мурожаат этамиз

Ҳурматли Тошниёз Нуриддинов!

Сиздек меҳри дарё, қалби пок, ажойиб олимни республика Муҳандислар академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланганлигингиз муносабати билан қизғин муборакбод этамиз. Тошкент Техника дорилфунуни Қарши филиалининг раҳбари сифатида билимдон мутахассислар тайёрлаш, фан-техникани ривожлантириш ва унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш ишига катта ҳисса қўшиб келаётганлигингиз вилоятимиз жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётганлиги бежиз эмас. Республика миқёсидаги академияга сайланганлигингиз буни яна бир карра тасдиқлади.

Мустақил Ўзбекистонимиз илм-фанини ривожлантириш, республикамиз учун иқтидорли мутахассислар тайёрлаш йўлида Сизга мустаҳкам саломатлик, яхши кайфият, узоқ умр тилаб, оилангизда бахт-саодат ва тинчлик-хотиржамлик барқарор бўлишини ният қиламиз.

Касби район ҳокимлиги ва деҳқончилик-саноат уюшмаси.

Ўтган йил баҳори пахтакорлар сингари пиллакорлар учун ҳам ҳийла мураккаб келганлигига қарамасдан, улар фидокорона меҳнат қилиб, режадаги 1110 тонна ўрнига 1436 тонна қумуш тола етиштирдилар. Ҳар қути ипак қуртидан ўртача 53,8 килограммдан ҳосил териб олинди. Ўнлаб илғор пиллакорларимиз қўлга киритган ютуқлар янада салмоқли бўлди.

Пилла етиштириш нақадар машаққатли эканлигини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Халқимиз пахтамизни олтинга, пилламизни қумушга қиёс қилиши ҳам бежиз эмас. Дарҳақиқат, пилла йилнинг биринчи ҳосили. Деҳқону, чорвадорлар пилла мўл бўлса, бўлак зироат ҳам кам бўлмайди дейишади. Пилла етиштириш жуда қисқа, айни пайтда долзарб мавсум. Айниқса, парваришнинг сўнгги кунларида ипак қурти пиллакорни жуда шошириб қўйишини ҳамма тан олади-ю лекин баъзи жойларда унинг меҳнати етарлича қадр-қимматини топмаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, хўжаликлар ипак қурти боққан кишиларга бир килограмм қумуш тола учун 45 сўмдан, ипак қуртини пахсий хонадонларида парвариш этганликлари учун ҳар килограмм пиллага қўшимча ўн сўмдан, жами 55 сўмдан ҳақ тўлашлари кўзда тутилган эди. Афсуски, 1992 йили кўп хўжаликларда пиллакорларга ўртача 25—30 сўмдан ҳақ тўланди, холос. Бунга давлат буюртмасидаги пилланинг бир килограмми 37—38 сўмдан сотилаётгани сабаб бўлмоқда. Бир килограмм пилла етиштириш учун эса 92 сўм харажат қилинди.

Маҳсулот таннархи нега юқори, деган савол туғилиши табиий. Ипак қуртини агротехника қоидалари асосида парвариш қилиш учун зарур бўлган оддий қоғоздан тортиб, кўмиргача ҳамасининг баҳоси юзлаб баробар қимматлашди. Толаси кумушга қиёс пилламизнинг баҳоси эса 1991 йилда 25 сўм эди, бултур бор-йўғи 48 сўмга кўтарилди. Ҳолбуки ҳали нархнаво кўтарилмасдан бир метр атласнинг баҳоси ўн сўм, бир килограмм пилланинг баҳоси эса тўққиз сўм эди. Ҳозир-чи, пилламизнинг бир килограмми ўртача 40 сўм, бир метр атласнинг нархи эса 450—500 сўмдан сотилмоқда.

Пиллага нисбатан атласнинг баҳоси бир неча баробар юқори бўлгач, тармоқ равнақ топиши мушкул. Пиллакорнинг ишдан кўнгли совуши табиий. Энг тажрибали пиллакор оила аъзолари билан биргаликда бир ой тинимсиз меҳнат қилиб, 60—70 килограмм ҳосил етиштириб, бор-йўғи уч минг сўм иш ҳақи олса, инсофданми? Шу кеча-кундузда уч минг сўмига бор-йўғи олти метр атлас харид қилиши ипак қурти парвариш қилинган хонани таъмирлаб бўлармикан?

Масаланинг яна бир муҳим, ечимини кутаётган томони ҳам бор. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида таъкидланганидек, режадаги ҳосилнинг 25 фоизи ва режадан зиёд хом ашё хўжаликлар ихтиёрида қолиши керак. Янги йилдан эса режадаги ҳосилнинг 30 фоизи хўжаликлар ихтиёрида бўлади. Бу яхши, албатта. Аммо хўжаликлар ихтиёридаги етарли жой ҳамда озуқа зарур. Яъни, биринчи галда тутни кўпайтириш керак. Сўнгги пайтда одамларга томорқа ажратилаётганлиги, янги уйлар қурилаётганлиги, йўллар кенгаяётганлиги эвазига тут камаймоқда. Кесилаётган тутлар ўрнига ёш ниҳолларни экишга эса бефарқ қаралаётир.

Агар 1989 йилда вилоятимизда 5 миллион туп тут кўчати ўтқазилган бўлса, бултур бу кўрсаткич 2,3 миллион донани ташкил этди. Ҳозир айни тут кўчати ўтқазиш пайти бўлишига қарамасдан, кўпгина хўжаликлар бу муҳим ишга бефарқ қарашаяпти. Жарқўрғон районидаги ипакчилик хўжалигида етарлича кўчат бўлишига қарамасдан, бирорта хўжалик тут кўчатини олис юртдан келмасликларини, камида 100—150 тонна пиллани харид қилиш устида сўз юритишларини тушунтириш қийин бўлмоқда. Ҳолбуки, ҳозир вилоятдаги ҳар бир хўжалик ихтиёридаги хом ашё 2—3 тоннани, бир районда эса 15—20 тоннани ташкил этиши мумкин. Хўш, хўжаликлар ихтиёридаги 200 тонна қумуш тола сифатини йўқотмаслиги, қайта ишловчилар қўлига ўтиши учун нима қилиш керак?

Ҳозир вилоятимизда пахта, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишда хўжаликлар билан харидорлар ўртасида воситачилик қилувчи уюшма тузилган. Лекин янги ташкилот ҳозирча пилла учун харидор топгани йўқ. Ҳар қандай ширкатларга эса ишониб бўлмайди. Бизнингча, ҳали ҳам бўлса хўжаликлар ихтиёридаги қумуш толани сотиб юборишдан кўра қайта ишлаш йўлларини излаш мақсадга мувофиқ бўларди. Пилла узоқ муддат сақланса сифатини йўқота бошлайди, қуя тушади. Сифати йўқолган маҳсулотнинг баҳоси албатта, пасаяди.

Вилоятимизда қумуш тола етиштиришни кўпайтиришнинг ҳали фойдаланилмаган имкониятлари мавжуд. Шуларни ҳисобга олган ҳолда амалдаги йилда пилла етиштиришни яна юз тоннага кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз. Бунинг учун ипак қуртини парвариш қилиш мавсуми якунланганч, хўжалик раҳбарлари «ишимизга аралашманг, ихтиёримиздаги пиллани ўзимиз сотамиз», дейишди. Орадан қанча вақт ўтган бўлса-да, қануз хўжаликлар омборларида 200 тонна қуруқ пилла сақланмоқда. Районлардаги ипакчилик идораларининг ходимлари сотилажак хом ашёни аллақачон қайта ишлаб, тахт қилиб қўйишган. Хўжаликлар раҳбарларига ҳориждан вакиллар 5—10 тонна пилла учун харид қилмади.

Воҳада пиллачиликни равнақ топтириш мақсадида бултур Шеробод районидаги «Шеробод» давлат хўжалиги худудида ипак қурти уруғи тайёрлаш заводи қурилишини бошлаган эдик. Бирлашмамиз янги қурилишга беш миллион сўм маблағ ажратди. Тўққиз ойда қурувчилар ана шу маблағга яраша иш бажардилар. Лекин ҳали ишлар чала. Агар вилоят ҳокимияти амалий ёрдам кўрсатмаса, қурилиш чўзилиши шубҳасиз. Мазкур завод эса вилоят пиллакорлари учун жуда зарур. У ишга туширилса, ортиқча харажатларга барҳам берилади. Шу билан бир қаторда воҳа иқтисодиётига қатта наф келтиради.

Пиллачиликни мутахассислар меҳнатисиз тасаввур қилиш қийин. Бироқ етиштирилган ҳосилнинг 25—30 фоизи хўжаликлар ихтиёрида қолаётгани, 70 фоизини давлат буюртмаси бўйича топшираётганимиз бирлашмада зарур мутахассисларни сақлаш имконини бермаяпти. Маблағдан қийналаяпмиз. Хўжаликлар эса мутахассисларга пул ажратмаётир. Натижада уларни қисқартиришга тўғри келмоқда. Пилла мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақи, тараққиёти учун бундан кейин ҳам керакли хом ашёлардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз. Шундай экан, пиллачиликдаги юқорида таъкидланган муаммоларни ҳал этиш тўғрисида мутасаддилар ташкилотлар жиддийроқ ўйлаб кўришса, айни муддао булур эди.

Саъдулла ҲИДОЕВ,
Сурхондарё вилояти пилла етиштириш бирлашмаси директори.

ХАРИДОР ИЗЛАШ ШАРТМИ?

«САНИИРИ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг «КАРШИТЕРМОПЛАСТ» ЗАВОДИ

хўжалик-ичимлик сув таъминоти учун диаметри 110 мм. ли, ПХВ-дан тайёрланган **қувурларни СОТАДИ**

Манзилимиз: 730001, Қарши шаҳри, Бешкент узун кўчаси, 3-км. Телефонлар: 46-471, 45-524.

«САНИИРИ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.

«САРБОН» Ўзбекистон реклама агентлиги.

ТАШКИЛОТ АВТОСЕРВИС УЧУН ҚУЙИДАГИ УСКУНАЛАРНИ СОТАДИ:

Элдис—1010, 1200 мувозанатлаш дастгоҳлари:

Енгил автомобиллар учун кўтаргичлар;

ғилдиракларнинг жойлашувини ростловчи стенд;

шиналарни ўрнатиш ва бўшатиб олиш;

электр вулканизатор;

«Кострол», «САЕ» фирмаларида ишлаб чиқарилган автомобиль мойлари ва бошқа ускуналар.

Манзилимиз: 700099, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 118-уй, 607-хона;

Телефонлар: (3712) 34-25-81, 34-66-44.

Станок балансировочный „eldis-1200„

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди кунига

«ЖАМЪИЯТИНГИЗ БОРИНИ ДАВЛАТ ТУТУНГИЗ»

Эртага ўзбек халқининг бутун дунё тан олган буюк фарзандларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган кунга 510 йил тўлади. Кишилик жамияти тарихидан атоқли саркарда, донишманд жамоат арбоби ва буюк давлат асосчиси сифатида кўринарли ўрин олган Бобур айни замонда ўзбек, форс, умуман, барча туркий халқлар адабиёти ва маданияти ривожига катта ҳисса қўша олган нозик дид шоир, моҳир носир, шеърият ва мусиқа илмининг етук билимдони сифатида ҳам катта шуҳрат қозонган.

Ҳижрий 888, милодий 1483 йилда Фарғона, Андижон ва Самарқанд вилоятларининг ҳокими Умаршайх Мирзо оиласида дунёга келган Бобур йирик фозил ва уламолар ёрдамида ўн-ўн икки ёшига қадар замонасининг ижтимоий, табиий ва диний билимларини чуқур мутолаа қилди, форс тилини мукаммал эгаллади, ҳарбий ҳунар ва черик тутиш сирларидан кенг маълумот олди. Ноёб туғма иқтидор соҳиби Бобур хусусан бадиий адабиётга катта қизиқиш билан қаради, ўзбек ва форсий тилларда ижод қилган барча йирик намояндалар меросларини синчиклаб ўрганди.

899 йилда отаси Умаршайхнинг фожиали ўлимидан сўнг тақдир тақозоси ила ўн икки яшар Бобур чор-ночор мураккаб ижтимоий-сиёсий воқеалар гирдобига отилади: падари бузруквори тахтига ўтирган Бобурнинг кейинги ўттиз беш йиллик умри давлат ва мамлакат ишлари, тинимсиз ҳарбий юришлар ва жангу жадаллар, улуғ зафарлар ва аламли мағлубиятлар, дил ўртовчи ватан жудолик ва ҳинд элида ўлкан давлатга подшоҳлик билан чамбарчас боғлиқ.

Бобур нисбатан қисқа, аммо воқеа-ҳодисаларга ниҳоятда бой, шарафли ва ибратли умр кўрди. У 1530 йил 26 декабрда ўзига пойтахт қилиб олган Агра шаҳрида оғир касалликдан сўнг вафот этди. Бу воқеага тирик гувоҳ ўша давр тарихчиси шундай ёзади: «Ҳижрий тўққиз юз ўттуз еттида жумодил-аввал ойнинг олтисида, чаҳорбоғидаким, ўшул подшоҳ ўз қўли билан бевафони падруд (видолашиш) обод қилиб эрди, бу олами қилди».

Биз бу парчани Бобур шахсиятининг муҳим бир фазилатини қайд этиш нияти билан ҳам махсус келтирмоқдамиз. Бобур ҳаёти ва амалий ижтимоий фаолиятидан яхши хабардор бўлган тарихчининг «подшоҳ ўз қўли билан обод қилган чорбоғда» кўз юмганлигини алоҳида таъкидлаши асло бежиз эмас. Гап шундаки, Бобур қаерда бўлмасин, боғ-роғлар барпо этишга, ариқ қазиб, сув чиқаришга, ниҳол экиб, кўкаламзорлар яратишга доимо эътибор бериб келган. Ҳатто афғон ва ҳинд элларида унинг номи билан боғлиқ кўплаб боғларнинг ҳанузгача сақланиб қолганлиги бу фикрга ишончли далилдир. Умуман, Бобурни тўла маънода ер фарзанди, табиат шайдоси дейилса асло муболаға бўлмайди. У ҳар бир ҳолатда қандайдир ички узвий боғлиқлик, самимий муҳаббат ва кўтаринки завқ-шавқ билан табиат манзаралари ва йил фасллари ҳақида сўз юритади, тоғу дараллар ва чўлу даштларни, оқар сувлар ва иқлим ҳавосини, дов-дарахтлар ва ўт-гиёҳларни таъриф-тавсиф этади.

Андижон, Марғилон, Самарқанд, Хўжанд, Уш ва яна қатор шаҳар-вилоятлар ҳақида сўз борганида у ерларнинг оби ҳавоси, мева ва зироати, ҳайвонот олами тўғрисида жуда қизиқарли маълумотлар беради.

Бобурнинг зироат ишларига, боғу-роғлар яратиш ва парваришига ниҳоятда жиддий аҳамият берганини шундан ҳам тасаввур қилиш мумкинки, у давлат ишлари ва лашкар ташвишлари билан қанчалик банд бўлишига қарамай; махсус кишилар орқали бошқа шаҳарлардан уруғ ва ниҳоллар келтириб, эктиришга вақт топган.

Бобур табиат неъматлари ва гўзалликларидан чексиз завқланади. Бундай кезларда унинг шоирона қалбини ҳайрат ва қувонч қоплайди ва меҳр билан шундай тасвирлайдики, худди кишиларни бу гўзалликни севиб ардоқлашга, асраб-авайлашга даъват этаётгандек туюлади.

Қатор тилларга таржима қилиниб, турли мамлакатларда бир неча бор нашр қилинган «Бобурнома» муаллифи номини бутун дунёга кенг ёйди.

Бобурнинг яна бир йирик насрий асари илмда «Рисолаи аруз» деб юритилади.

«Рисолаи аруз», айни вақтда, Бобурнинг туркий ва форсий адабиётларни ниҳоятда чуқур билганлигини кўрсатувчи ишончли ҳужжат ҳамдир. Унда муаллиф ўтмишда яшаб, қалам тебратган ҳамда ўзига замондош бўлган олтмишдан ортиқ туркий ва форсий ижодкорлар асарларидан ўз назарий хулосаларини далиллаш учун мисол-намуналар келтиради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур мавзу ва адабий тур жиҳатларидан ранг-баранг катта ижодий мерос қолдирди. Ана шу меросниг иккинчи муҳим қисмини бадиий жиҳатдан юксак шеърий асарлар ташкил қилади.

Қатъий айтиш мумкинки, шеърият, худди «Бобурнома» каби унинг номига оламшумул шуҳрат келтирди, Бобурни фақат миллий адабиётимиздагина эмас, балки, барча туркий халқлар адабиётларидаги шонли ўрнини белгилаб берди. Туркий ва форсийда яратилган бадиий адабиётни мукаммал ўзлаштирган Бобур, айниқса, улуғ Алишер Навоийнинг илҳомбахш шеъриятидан баракали таъсирланди, уни ўзига устоз деб билди.

«Бобурнома»да қайд этилишича, Навоий умрининг охирги ойларида Самарқандни қайта эгаллаган Бобур номига махсус мактуб йўллаган. Маълумки, худди шу йилларда Бобур гўзал ғазал ва рубоийлар муаллифи сифатида ҳам ном чиқара бошлаган эди. Ёш иқтидорларни манфаатдорлик билан қузатиб, доимо рағбатлантиришга интилган. Навоий, ўйлаш мумкинки, ўз мактубида шеърият бўстонига кириб келаётган Бобурга оқ йўл тилаган, тинмай ижод этишга даъват қилган. Бундай таҳмин фойдасига Бобурнинг Навоийга жавоб мактубида туркий мисраларни атайлаб илова этганлиги ҳам далда бўлади. Бу ҳақда Бобур: «Мен ҳам бир китобат (мактуб маъносида) йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим», деб гувоҳлик беради.

Афсуски, Навоийга битилган бу байт биз учун ҳанузгача номаълум бўлиб қолмоқда. Агарда ўтмиш адабиётимизда, жумладан Навоий ва Бобур асарларида ҳам «байт» атамаси остида умуман кичик ҳажмдаги шеър тушунилганини эътиборга олсак, масала бироз равшанлашгандек кўринади. Ҳа, бу ўринда Бобур «байт» ибораси билан аслида рубоийни назарда тутган.. Бизнингча, Навоийга йўллаган жавоб мактубига Бобур унинг шеър аҳлига ҳомийлигини таъкидловчи, асарларининг илҳомбахш фазилатини самимий улуғловчи мана бу тўртликни илова этган:

Эй ким, бари шеър аҳлига
сен хон янглиг!
Шеъринг бори шеърларга
султон янглиг!
Мазмуни анинг хатти
саводий ичра,
Зулмат орасида обиҳайвон
янглиг!

Агарда «Рисолаи аруз» асарида Бобур Алишер Навоийни «устод» ва «улуғ» унвонлари билан тилга олинганлигини эсласак, бу мисралар чиндан ҳам Навоий шаънига аталганлиги равшанлашади.

Қисқаси, Навоий ва унинг ижодига аниқ муҳаббат ва ихлос билан қараган, жумладан, «Хамса» достонлари ва «Хазойин ул-маоний» девонини вазн жиҳатдан ҳам синчиклаб ўрганган Бобур ўз шеъриятида улуғ шоир анъаналарини давом эттиришга интилди.

Бобур қолдирган шеърий мерос мавзу ва тур жиҳатидан ранго-ранг бўлиб, халқчил мазмуни ва бадиий етуклиги билан неча асрлардан бери ўқувчиларни ром этиб келмоқда.

«Кўнгли тилаган муродига етса киши», дея хитоб қилган шоир, бошқа бир ўринда турмуш ташвиш-қийинчиликларини енгиб, ҳаётдан лаззатланишга, тирикчилик нашидасини суришга, умрни хушнуд ва шодликда ўтказишга чақиради:

Даврон ғамин барбод қил,
ишрат уйин обод қил.
Жону кўнгулни шод қил
овози чангу най била.

Бобур ғазалларидан бирида яшамоқнинг маъносини очишга интилгандек бўлади. «Жаннинг ишрати нимада?» деган жумбоққа донишмандларча жавоб беради. Хўш, инсон нимадан қониқади, у қандай ҳаётга, орзуларга интилиши керак? Бойлик тўплаш ёки шоҳона маишат, юксак шаъну шавкатгами? Тинимсиз тоат-ибодат, тавба-тазарругами? Қирғин урушлар ва ўлкалар забтигами? Йўқ! деб қатъий жавоб беради шоир. Айниқса, шу ғазалда лирик «мен» баланд дидли, ўта маданиятли, покиза қалб соҳиби сифатида, тўла ҳаётсевар, чин дўстпарвар ва юксак орзули шахс сифатида юзага чиқади. Мисралардаги «чоғир», «бода» рамзий маънода қўлланилгани эътиборга олинса ҳаётий мазмун янада қуюқлашади.

«Андижон узуми». Мусаввир Маҳмуд ЖЎРАЕВ.

Бобур шеърияти, хусусан унинг рубоийлари мавзуи ранг-барангдир. Унда жамият ва ҳаётнинг турли-туман муаммолари, воқеа-ҳодисалари, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар шоирона дид билан таҳлил этилади. Бобур ўз асарларида олийжаноблик, саховат, меҳр-шафқат, тўғрилик ва самимийлик каби чин инсоний фазилатларни тарғиб қилади, кишиларни очкўзлик ва ҳасаддан, молпарастлик ва эгриликдан, мунофиқлик ва пасткашликдан ор этишга чақиради. Унинг бундай илғор ғояларини олға сурувчи бадиий етук асарлари ҳанузгача ўзининг амалий аҳамиятини йўқотмай, ўқувчиларнинг комил инсон бўлиб шаклланишларига катта таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, қўйидаги каби ўзаро аҳллик ва тотувликка, ҳурмат ва дўстликка чорловчи, эзгу ишларга даъват этувчи мисралари тўла замонавий жаранглайди:

Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат
тутунгиз,
Жамъиятингиз борини
давлат тутунгиз.
Чун гардиши чарх бу дурур,
тенги учун
Бир-бирни неча кун
ғанимат тутингиз!

Тақдир тақозоси билан умрининг асосий қисмини чет мамлакатларда ўтказишга мажбур бўлган Бобур ижодида ватанпарварлик мавзуи алоҳида бўртиб туради. Ватан иштиёқи, она юртга меҳру муҳаббат ва унга талпиниш ғоялари, жонажон ўлка оби ҳавоси ва нозу неъматларини, ҳатто дов-дарахтларинию оқар сувларини қўмсаш шоир мисраларида ниҳоятда жонли ва таъсирчан ифодаланади. Ватан ва юртдошлар, дўсту ёрлар соғинчи, диёр ҳажрида ўртаниб ёниш Бобурнинг қатор ғазал ва рубоийларида, маснавий ва қитъаларида алоҳида куюнч ва меҳр билан ифодаланади.

Бобур шеърияти мазмунан халқчил, шаклан етук, бадиий жиҳатдан эса баркамолдир. Халқ жонли тилидан, унинг мақол ва маталларидан унумли фойдаланган шоир ниҳоятда равон, киши дилини қитиқловчи ёқимли ва шўх мисралар битади, эсда қолувчи қиёфа ва лавҳалар яратади. Чиройли ташбеҳ ва гўзал сўз ўйинлари, баён самимийлиги ва вазн равонлиги кўпчилик ғазалларининг ҳофизлар тилига кўчишини, халқ қўшиқлари каби кенг тарқалишини таъминлади. Унинг ғазаллари инсон қалби тўлқинларини, дил қувонч ва ҳаяжонларини, изтироб ва туйғуларини, талпиниш ва орзиқишларини жонли ифодалаши жиҳатидан мумтоз шеъриятимизнинг энг етук намуналари жумласига киради.

Қисқаси, Бобур шеърияти инсон ва унинг гўзаллигини, севги, садоқат, дўстлик, тотувлик каби соф инсоний фазилатларни улуғлаш, эзгу интилишлар ва орзуларни тарғиб этиши билан она юртга муҳаббат, ватанпарварлик ва ҳаётсеварлик ғоялари билан, юксак бадиийлиги ва халқчил мазмун-шакли билан ҳанузгача ўқувчиларни ўзига мафтун этиб келмоқда.

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ,
филология фанлари доктори, профессор, Беруний номидаги республика давлат мукофоти соҳиби.

ҒАЗАЛ

Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.
Бу замонин нафъ қилсам айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиғ.

Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнглима,
Келмади жонимга ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ёмонлиғ асру кўп,
Эмдн кўз тутмоқ, не яъни ҳар ёмондин яхшилиғ.

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким кўрубтур, эй ўнгил, аҳли жаҳондин яхшилиғ.

●

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданнинг кайфияти.

Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,
Кимга бу нашъа муяссар бўлса бордур давлати.

Ишқ дардини чекиб ҳар кимки топса васли ёр,
Ул замон бўлғай, унут юз йилги ҳижрон шиддати.

Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,
То билингай ҳар кишининг табъи бирла ҳолати.

Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила,
Мундин ортуқ бўлмағай, Бобур, жаҳонинг ишрати.

РУБОИЙ

Кўнгли тилаган муродиға етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши.
Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда,
Бошни олиб бир сарниға кетса киши.

* * *

Руҳум яратиб эдинг латофат бирла,
Қилдинг анга танни ҳамроҳ офат бирла.

Руҳумни чу тан эвига келтурдунг пок,
Мундин бори элтма касофат бирла.

* * *

Ҳижрон аро ёд этиб мени шод айла,
Маҳжур кўнгулни ғамдин озод айла.
Бу хатни анинг учун битидим мунда
Кўрган сойи хатимни, мени ёд айла.

НОДИР ҲУЖЖАТЛАР

Шарқнинг буюк муттафаккири, атоқли давлат арбоби, истеъдодли шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигига тайёргарлик бошланиб кетди. Республика жамоатчилиги, адабиёт ва санъат аҳли бўлажак шодиёнага қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Айниқса, Алишер Навоий номли адабиёт музейида тараддуд катта. Бу илмий ва тарихий ноёб ҳужжатлар сақланадиган табаррук масканда Бобурга бағишланган бўлим ташкил этилди. Музей директори, филология фанлари доктори Саидбек Ҳасан биз билан суҳбатда шундай деди:

— Адабиёт музейи ўз тарихига эга. Бу ерда қадимги ва замонавий, тарихий-бадиий обидалар, санъат намуналари, нодир қўлёзмалар, уларга ишланган миниатюра-расмлар қўйилган. Музейнинг катта залларидан бирида Бобур ҳаёти ва ижоди ҳар томонлама кенг ўрганилмоқда. Бобур юрган йўллар бўйича экспедициялар уюштирилмоқда. Айниқса, бу борада олимлар — Маҳбуба Қодирова, Фозила Сулаймоновалар олиб бораётган илмий ишлар кўпчиликни қизиқтирмоқда.

Истеъдодли шоир юбилейи тантаналари ушбу жамоада ҳам муносиб нишонланади. Келгусида унинг номи билан ишлайдиган бўлим эса шоир тўйига ўзига хос совға бўлади.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ.

ЛОЛАИ ГУЛБЎЙ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур буюк давлат арбоби, саркарда, шоир, қомусий билим эгаси, гўзал фазилатлар соҳиби, ниҳоятда нозик табиатли инсон бўлган. Унинг шеърий истеъдоди, саркардалик санъати, жасурлиги ва олижаноблиги ҳақида ажойиб асарлар ёзилган, яна қанча китоблар, рисолалар ёзилади ва улар Бобур Мирзодек шахснинг янги-янги фазилатларини авлодларга бир олий намуна сифатида намоён этадилар. Биз эса Бобур Мирзонинг табиат ошиғи эканлигини, ўзининг машҳур «Бобурнома»сида набобат оламини қанчалик нозик чизгилар, билимдонлик ва кузатувчанлик билан тасвирлаганини иқтидоримиз етганича баён этишга ҳаракат қилдик.

Бобур Мирзо Фарғона водийси, Самарқанд атрофи, Афғонистонда жанглар қилиб юрганида ҳам, Ҳиндистон тахтини олиб шоҳ бўлганида ҳам табиат ва унинг гўзалликларини синчиковлик, мафтункорлик билан кузатган, улардан доимо завқланган. Булар шоир ғазалларида, шунингдек «Бобурнома» асарида бетакрор назокат билан ўз ифодасини топган. Масалан, унинг:

Хазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим.
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларуҳ, бу чеҳраи зардим, —матлан билан бошланувчи ғазалида хазон япроғининг барча ранглари, таровати ошиқона туйғулар, фалсафий руҳ билан уйғунлашган ҳолда ҳайратомуз равишда кўз олдингизга келади. Ушбу шеърни ҳар сафар ўқиганимда ёки шу ғазал билан айтилувчи кўшиқни эшитганимда Бобур Мирзо уни қандай ёзган экан, деб ҳайратланардим.

«Бобурнома»ни қайта ўқиб, 1525 йилги Афғонистон воқеалари тафсилотида унинг «хазон сайрига» борганлиги тасвирини учратдим ва нималардир тасаввуримда равшанлашди. Бобур Мирзо яқин беклари билан Исталиф деган жойда хазон сайрига боради, боғда дарахтлар остида чодир тикиб тунаб қоладилар. «Чун хазонлар асру хўб бўлиб эди», деб ёзади шоир.

Бобур Мирзо Фарғона воқеаларини ёзар экан, водийнинг табиати, меваларининг таърифини беради ва қайси вилоятда нима машҳур бўлса, қандай айрича бир гўзаллик бўлса тасвирлайди. Ўш боғларининг «бинафшаси бисёр латофатли» эканлиги, Марғилоннинг «пур неъмат» ерлиги ва унинг анори ҳамда ўриги ниҳоятда яхши бўлишини таъкидлайди. Марғилонда бир нав ўрик бўлар экан. Унинг «донасини олиб, ичига мағз солиб қурутурлар, «субҳоний» дерлар, бисёр, лазиздир», — деб ёзади. Хўжандда ҳам анор яхши бўлган, лекин Марғилон анори ортиқроқ. Аксида энг ширин нарса қовун бўлиб, у ерда «Мир Темурий» навли қовун Бобурнинг ёзишича: «маълум эмаским оламда бўлғай». Фарғона атрофидаги тоғларда «тобулғу» номли дарахт ўсган бошқа ерларда бўлмаган. Бу дарахт навдаси қизил пўстли бўлиб, ундан ҳасса, қамчи дастаси, қушларга қафас, тиргаз ясаганлар. Ҳатто табаррук, деб узоқ юртларга олиб кетишган. Яна бу тоғларда «айиқ ўти», халқ «меҳригиёҳ», деб атайдиган гиёҳ ўсган.

Самарқандда Амур Темур ва Улуғбек Мирзолар барпо этган боғларни Бобур Мирзо ўз кўзи билан кўриб таъриф берган. Булар Боғи Дилкушо, Боғи Бўлду, Боғи Шамол, Боғи Чинор, Боғи Беҳишт, Обираҳмат бўйидаги боғ. Боғи Дилкушода кўшк қурилган бўлиб, унинг деворларида «Темурбекнинг Ҳиндустон урушини тасвир қилибтурлар». Боғи Дилкушодан то Феруза дарвозасигача хиёбон бўлиб, икки тарафига терак экилган экан.

Қобул атрофидаги ерларда ҳам турли-туман мевалар: узум, анор, ўрик, олма, беҳи, амруд (нок, олмуруд) шафтоли, олу, санжид (узумга ўхшаш мева), бодом, ёнғоқ кўп бўлган. Бобур Мирзо олу-болу (олучага ўхшаш мева) ниҳолини яхши ўсаётганини ёзади. У келтириб эктирганини ва у ерларда яна норанж (апельсин), турунж (лимоннинг бир тури), найшакар ўсган. Оби ангур навли узум, айниқса, яхши бўлган. Тоғларида ножу, чилғўза, балут ва ханжак дарахтлари кўп экан. Чилғўзадан тоғлилар чироқ қилар эканлар, у худди шамга ўхшаб ёнар экан.

Курраи Тозиён ва Дашти Шайх номли даштларда Бобур Мирзо сайр вақтида (бу ерларга ёзда кўпчилик сайрга келади) лолаларнинг навларини санаттирган, ўттиз уч нав чиққан. Бир хил лоладан қизил гул ҳиди келгани учун Бобур Мирзо ва ҳамроҳлари уни «лолан гулбўй» деб атар эканлар. Дашти Шайҳдаги кичик бир ерда садбарг лола бўлар экан.

Хаттинг аро узоринг
сабза ичинда лола,
Ул чашми пурхуморинг
лоладаги ғазола.

каби байтлар ёзиш учун ана шундай сайр ва завқлар Бобур Мирзога илҳом берган-дир.

Исталиф кентида Улуғбек Мирзонинг «Боғи Калон» номли боғи бўлган экан. Бобур Мирзо уни эгаларидан сотиб олган. Тоғ этагида Хожа Сеёрон номли булоқ бўлиб атрофида чинор, балут ва арғувон дарахтлари ўсар, бу уч дарахтни уч азизнинг каромати, дер эканлар. Арғувонлар икки хил бўлиб, сариқ ва қизил рангли экан. Улар гуллаган пайт бу ер ниҳоятда завқбахш, гўзал манзара касб этар экан. Ушбу чашмадан ғарби-жануб тарафда Бобур Мирзо катта супа қурдириб, атрофига тол дарахтлари эктирган. Бу ерга дарадан ариқ қаздириб келинган, узум боғи барпо этилган. Аласой деган жойнинг анори машҳур бўлиб, уни кўпроқ Ҳиндистонга олиб бориб сотганлар.

Қобул атрофида ўсадиган ханжак, балут, бодомча ва қарқанд дарахтларидан аҳоли ўтин қилган. Балут дарахтининг кўм-кўк (сабзбарглик) шохларига ўт қўйилса, бир зумда ёниб кетар экан. Ғазни аҳолисининг асосий ўтини қарқанд бўлган.

Бобур Мирзо асарида Ҳиндистонга хос ўсимликларни, асосан меваларни ҳам мухтасар баён этган. Анба номли мева (уни ҳиндулар нағзак дер эканлар) ғўрасидан яхши мураббо қилар эканлар. Шафтолу дарахтига ўхшаб кетар экан.

Бобур Мирзо яна ҳинд хурмоси — анбули, узумга ўхшаш мевалик кирни ва жоман, камрак каби мевали дарахтлар, махва номли иморатбоп дарахтнинг таърифини беради. Яна хурмога ўхшаш кадхил, беҳи мазасини элтувчи бадҳал номли мева, ҳусайни узумга ўхшаш бийр меваси бор экан. Эътибор берилса, Бобур Мирзо мевалар таърифини Фарғона водийсидаги меваларга солиштириб ёзади. Шу тариқа у қизил олма ғўрасига ўхшаш панёл, анжирга ўхшаб танасидан мева чиқарувчи гулар, ғўзанинг ғунчасига ўхшаш мевали омила дарахтларини таърифлайди. Омила меваси-дан мураббо қилганлар, саломатликка кўп фойдали мева ҳисобланган. «Мағзи ёнғоқ мағзи билан бодом мағзи орасида» бўлган тоғ дарахти чирунчини ҳолвага қўшилар экан.

Бобур Мирзо яна хурмо, норгил, норанж, лиму (лимон), турунж, сангтора, улуқ лиму, чанбирий, садофал, амрадпал, карна ва амалбед мевалар таърифини беради. Ушбу мевалар тўғрисида ёзар экан, жуда қизиқ тафсилотларни келтиради. Масалан, ул зотнинг айтишича, хурмо дарахтида икки ҳол ҳайвонотни эслатади. Бири — ҳайвоннинг боши кесилса у ўлади, хурмонинг ҳам бошини кесилса у қурир экан. Бошқаси—ҳайвонда бе нар натижа бўлмагандай, «хурмо дарахтига ҳам нур хурмодин шохини келтуриб тегизмасалар, яхши бар бермас».

Бу тафсилотни бериб Бобур Мирзо: «бу сўзнинг ҳақиқати маълум эмас», — дейди.

Норгил дарахтининг йирик меваларидан ғижжакка коса, ёнғоқ танаси пўстлоғига ўхшаш пўстлоғидан кемаларнинг арқонларини эшар эканлар. Бобур Мирзонинг ёзишича, «лимоннинг илдизини масмум (заҳарланган одам) қайнатиб ичса, мазаратни дафъ қилур эмиш».

Бобур Мирзо амалбед номли меванинг ўзи эшитган бир хосиятини ҳам ёзиб ўтади, унинг айтишича, бу мева ичига игна солинса эритиб юборар эмиш.

Бобур Мирзо Ҳиндистон гулларидан жосун, канир, киюра ва ёсуманларнинг ҳам ниҳоятда аниқ ва гўзал тасвирини беради.

«Бобурнома»да табиат мўъжизаларига оид қимматли мисолларни кўплаб учратишимиз мумкин. Бобур Мирзонинг катта истеъдод ва теран фикр эгаси, серқирра адиб, табиат гўзаллиги мафтункори эканлиги «Бобурнома»да ўз аксини топган.

Урфон ОТАЖОН.

Бош муҳаррир Н. ЁҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, Т. ҚЎШАЕВ, М. ҚАЮМОВ, (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, Т. СОЛИЕВ, Р. ТУРСУНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодовошчвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Ленинград кўчаси, 32. Нашр кўрсаткич — 64.602.

1 2 3 4 5 6

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 20.30.

Буюртма Г—63.